БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 52 (1572)
13 МАРТ
ЯКШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет пахтачилигини янада ривожлантирамиз

☆ ☆ ☆

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

Қадрдон Никита Сергеевич!

Биз, Ўзбекистон ва Тожикистон, Озарбайжон ва Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон ёш пахтакорлари кенгашининг қатнашчилари «оқ олтин» етиштирувчи барча йигит ва қизлар номидан КПСС Ленинчи Марказий Комитетига ва қадрдон Никита Сергеевич, шахсан Сизга самимий комсомоллик саломини йўллаймиз!

Биз Совет Ватани ўз ижодий кучлари зўр бериб яшнаб, етти йилликнинг иккинчи йилига қадам қўйган шодиёна ва унутилмас кунларда тўпландик. Қардош республикаларимизнинг экономикаси ва маданияти ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, ҳаётимиз кун сайин қувончли бўлиб қолмоқда. Бизнинг эртанги кунимиз янада гўзал бўлади. Биз буларнинг ҳаммаси учун улуғ Коммунистик партиядан, унинг ленинча миллий сиёсатидан миннатдормиз. Коммунистик партия мамлакатимизнинг халқларини ягона бахтиёр оилага жипслаштирди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ўтган йили пахтадан мисли кўрилмаган даражада кўп ҳосил олдилар. Давлатга топширилган миллион-миллион тонна «оқ олтин»да Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари деҳқон ёшлари меҳнатининг ҳам ҳиссаси бор. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида пахтакорларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо бизларни руҳлантириб юборди, севикли Ватан шон-шуҳрати йўлида бизни янги ишларга, янги зафарларга отлантирди.

Ватанимизга кўп пахта кераклигини яхши биламиз. Пахта нечоғлик кўп етиштирилса, халқимиз яхши, сифатли ва чиройли газламаларни кўпроқ олади, совет кишисининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади. Шу сабабли, жонажон Коммунистик партия пахтакорларни катта майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун, пахтанинг таннархини камайтириш учун қураш олиб боришга чақирмоқда.

Республикаларимиздаги илғор колхоз ва совхозларнинг, мўл ҳосил етиштирувчи ажойиб усталарнинг жонда Элмира Аскерова тажрибали механизатор сифатида ном чиқарди, Туркманистондаги Ленин номли колхознинг аъзолари ўз механик-ҳайдовчиси Мақсад Керимовани меҳр-муҳаббат билан тилга олмоқдалар. Қирғизистондаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожихон Эрматова, қозоғистонлик бригада бошлиғи Бозорқул Қўшпанқулова ва бошқа кўп кишилар неча ўн тонналаб пахта тердилар. Биз Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларидан, кекса коммунист ўртоқларимиздан тинмай ўрганамиз, кетмонни қатъий суратда суриб чиқариш ва кетмон ўрнига машинанинг штурвалини маҳкам ушлаган кишилар сафига ўтамиз.

Ҳозирги вақтда бутун фикр-зикримиз кўкламги ишларга қаратилган. Кўкламни шайланиб кутиб оламиз, техникани ўз вақтида ва пахта ремонт қиламиз, янги машиналарни далага чиқариш учун тахт қилиб қўямиз. Майдонларнинг кўпчилигида сеялкалар билан белгиланган миқдорда чигит солиб квадрат-уялаб экамиз. Бу чора кетмондан тамомила воз кечишимизга, гўзани икки томонлама парвариш қилишимизга ва куз фаслида пахта териш машиналаридан кенг фойдаланишимизга имконият туғдиради.

Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан механизаторларнинг билими ва тажрибасига боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Йигит ва қизлар ҳозирги пайтда механизация тўгараклари ва ўқув юртларида шуғулланмоқдалар ва яқин орада ёш механизаторларнинг янги отрядлари мўл хосил етиштириш учун кураш бошлайдилар.

Биз, етти республиканинг ёш пахтакорлари ўз тажрибаларимизни ўртоқлашиб, пахта етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган янги резервларни қидириб топдик.

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, қадрдон Никита Сергеевич, Сизга хурсандчилик билан шуни маълум қиламизки, республикаларимизнинг комсомоллари ва ёшлари пахтачиликни янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, етти йилликнинг иккинчи йилида олган катта мажбуриятларни бажаришда партия ташкилотларига актив ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 3 миллион 170 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга қарор бердилар. Машиналар билангина 500 минг тонна пахта териш керак. Республика комсомоллари ва ёшларининг бажарадиган иш соҳалари кўп! Квадратуялаб экувчи комсомол-ёшларнинг ўн минглаб агрегати, комсомол-ёшлардан тузилган бир минг саккиз юз трактор-далачилик бригадаси механизациялаш йўлидаги ҳаракатга қўшилди. Республикадаги қиз-жувонлардан 800 таси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг ташаббусини қувватлаб, пахта териш машиналарини ўрганмоқда, механизация мактаблари ва курсларида эса жами 5 минг механик-ҳайдовчи тайёрланади.

Тожикистон комсомоллари ва ёшлари республика меҳнаткашларининг 480 минг тонна пахта етиштиришлари учун ёрдам берадилар. Комсомол-ёшлардан тузилган беш юз трактор-далачилик бригадаси ҳар гектар ердан 40—45 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олди. Далаларнинг ёш меҳнаткашлари 20 минг гектар ердаги пахтани машинада териб оламиз, ҳосилнинг 40 процентини қоп-қанорсиз ташишни таъминлаймиз, деб ваъда бердилар. Пахта териш машиналарининг 400 та ёш механик-ҳайдовчилари тайёрланади. Шу йилнинг ўзидагина ёшларнинг актив иштироки билан Мирзачўлдаги 8,5 минг гектар қуруқ ерлар ўзлаштирилади.

Туркманистон комсомоллари комсомол-ёшлардан 900 бригада ва звено ташкил этадилар, пахта териш машиналарининг 800 та ёш механик-ҳайдовчиларини тайёрлайдилар, 40 минг гектар баҳорикор ерларни ўзлаштирадилар.

Комсомол-ёшлардан тузилган 2200 бригада ва звено Озарбайжон далаларига чиқади, йигит ва қизлар камида қирқ минг тонна пахтани машинада териб олишга ёрдам берадилар.

Жанубий Қозоғистонда пахта терими бошланишига қадар комсомоллар пахта териш машиналарининг 300 та ёш механик-ҳайдовчиларини тайёрлайдилар. 146 комсомол-ёшлар бригада ва звенолари мўл ҳосил етиштириш учун ўтказилаётган мусобақага қўшилдилар.

Қирғизистон комсомоллари ва ёшлари 152 минг тонна пахта етиштириш учун курашадилар. Улар 570 комсомол-ёшлар бригада ва звеноларини тузадилар. 150 та ёш механик-ҳайдовчиларни тайёрлайдилар.

Арманистонда 1960 йилда комсомол-ёшлардан тузилган 250 пахтачилик бригадаси ва звенолари мўл ҳосил етиштириш йўлидаги ҳаракатга қатнашадилар. Кўпгина қиз ва йигитлар машиналарнинг механик-ҳайдовчилари бўлиб етишадилар.

Қадрдон Никита Сергеевич!

Коммунистик партия Марказий Комитети Сизнинг раҳбарлигингизда саноатга раҳбарликни яхшилаш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш, совет кишиларининг турмуш даражасини кўтариш соҳасида жуда муҳим тадбирларни дадиллик ва қатъият билан амалга оширди. Сизнинг ер юзида тинчлик учун сабот ва изчиллик билан олиб бораётган курашингиз, Сизнинг халққа хизмат қилиш йўлида кўрсатаётган намунангиз, жўшқин ғайратингиз комсомол ва ёшларни жонажон партиянинг ҳар қандай топшириқларини фидокорона бажаришга илҳомлантиради ва шунга чорлайди.

КПСС Марказий Комитетига ва қадрдон Никита Сергеевич, Сизга ваъда бериб айтамизки, партия томонидан совет пахтакорлари олдига қўйилган масъулиятли ва фахрли вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқ учун куч-ғайратимизни аямаймиз. Меҳнат қаҳрамонлари сафини, илғорлар сафини, совет халқининг улуғ ишига, коммунизм ишига муносиб хизмат қилмоқдаман, деб ифтихор билан айта оладиган кишилар сафини тинмай кўпайтирамиз!

Ёш пахтакорларнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган.

Руминия ҳукумат делегацияси Москвага келди

Халқ хўжалигини ривожлантириш перспектив планини тузиш юзасидан маслаҳатлашиш учун Руминия ҳукумат делегацияси 11 мартда Москвага келди. Делегацияга Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Бирладяну бошчилик қилмоқда.

Делегация составида Руминия Госпланининг раиси М. Гастон, Госплан раисининг ўринбосари М. Новак, министрлар К. Лончар, Г. Радулеску, А. Сенкович, М. Флореску, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети иқтисодий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Мэнеску бор. (ТАСС).

Ёш олимларнинг илмий конференцияси

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси институтларида кўпгина ёш олимлар етишмоқда. Бу йил аспирантурага 137 киши қабул қилиниб, академия аспирантлари сони 348 кишига етди. 10 мартда ана шу ёш олимларнинг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган илмий конференцияси очилди. Конференцияда академиянинг илмий тадқиқот институтлари, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик институтининг ёш олимлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари қатнашмоқдалар. Беш кун давом этадиган бу илмий конференция аспирантлар олиб бораётган илмий ишларни якунлаб, уларнинг келгусидаги вазифаларини белгилаб беради.

Ялпи мажлисда тарих фанлари кандидати доцент Х. Т. Тўлагановнинг «В. И. Ленин — революцион фан корифейи» деган темадаги доклади тингланди. Конференция давомида ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳаларига бағишланган 217 та доклад муҳокама қилинади.

Пахтачилик ва чорвачиликнинг муҳим илмий проблемаларига бағишланган докладлар диққатга сазовордир. Уларда ёш олимларнинг қунт билан олиб борган тадқиқот ишлари натижалари баён қилинади. Илмий конференцияда биринчи марта қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси ва уни ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинади.

С. ИСЛОМХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий ходими.

ҚАҲРАМОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ.

Ҳалол меҳнат туфайли



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Наталья Александровна УДАЛОВА

1948 йил. Корхона коллективи СХМ-48 маркали пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга киришганда катта қийинчиликларга дуч келди. Шуларнинг бири янги машинанинг асосий қисмларидан — шпинделларга ишлов бериш эди. Шпиндель тишларини белгиланганидек аниқ чиқариш жуда мураккаб иш. Бу ерда ҳар бир микрометр ишни ҳал қилади. У сал катта ёки кичик чиқиб қолдими, ўнлаб ишчиларнинг тер тўкиб қилган меҳнатлари зое кетади, деталь брак қилинади.

Корхона маъмурияти шуни ҳисобга олиб, шпинделларга ишлов бериш вазифасини фрезерчилик касбини пухта эгаллаган, бу соҳада етарли тажрибага эга бўлган саноқли ишчиларнинг зиммасига юклади. Улар орасида Наталья Александровна Удалова ҳам бор эди. Наталья Александровна ташаббускор ишчилардан. У иккита фрезерлик станогини бошқаришга ўтганида бу ташаббусни корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари қизғин маъқулладилар. Шундан сўнг ўнлаб ишчилар моҳир фрезерчининг бу ташаббусига қўшилдилар. Ҳозир корхонада бирйўла икки агрегатни бошқараётган юзлаб ишчиларни учратиш мумкин.

Новатор-ишчи биринчилар қатори «ХВС-1,2» пахта териш машинасининг шпинделларига ишлов беришни ўрганди. У ҳозир икки станокда ҳар сменада 200 та, айрим вақтларда ундан ҳам кўпроқ шпиндель тайёрламоқда. Бу нормадагига нисбатан деярлик икки баравар кўпдир.

Наталья Александровна жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Уларга ўзининг мураккаб касбини ўргатди. Эндиликда улар устозлари билан ёнма-ён туриб ишламоқдалар. Оллоёрова, Назарова, Ушанева ва бошқа ўнлаб шогирдлари ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан коллектив орасида шуҳрат қозонди. Бундан устоз ҳам бехад қувонмоқда.

Тажрибали ишчига корхонада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат зарбдоги деган шарафли ном берилди. У ҳақиқатан ҳам шу номга яраша ишламоқда, жамоат ишларида актив иштирок этмоқда. Ўз касбини янада пухта эгаллаш йўлида кекса ишчилар тажрибасини ўрганмоқда, билимини тинмай ошириб бораётир.

Ўртоқ Удалованинг ҳалол ва баракали меҳнати юксак тақдирланди. Унга энг шарафли унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Бу моҳир фрезерчининг ҳаётидагина эмас, «Ташсельмаш» заводи тарихида ҳам жуда катта воқеадир. Бу пахтакорларимизнинг ишини енгиллаштириш, пахтачиликни комплекс механизациялашга муносиб ҳисса қўшаётган завод коллективининг меҳнатига берилган катта баҳодир. Заводнинг барча касбдаги ишчилари бу ҳушхабарни ҳурсандлик билан кутиб олдилар. Улар бунга жавобан ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш, пахта йиғим-терими бошланишига қадар плондан ташқари 400 та пахта териш машинаси тайёрлаш учун астойдил курашмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.

Меҳнат авжида

Улуғ Ленин вахтасида туриб ишлаётган Фарҳод ГЭС коллективи февраль ойи планини муддатидан олдин бажариб, плондан ташқари анча электр қуввати ҳосил қилган эди. Ватанпарвар энергетиклар март ойида ҳам катта ғайрат кўрсатмоқдалар. Ҳар куни топшириқ 115—120 процентдан адо этилмоқда.

Социалистик мусобақада КПСС аъзоси, навбатчи инженер Ўткир Камолиддинов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат сменаси олдинда бормоқда. Энг юксак кўрсаткичларга эришган бу сменанинг ремонтчи монтёрларидан Исроил Мирзаҳодов, Роман Седов, слесарлардан Собир Ҳамидов, Иван Паркин каби ишчилар топшириқни бир ярим-икки нормадан бажармоқдалар.

Б. ТАЙКЕНОВ,
Фарҳод ГЭСи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

Бу таъсирчан пропаганда

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг аъзоси донгдор механизатор Жавод Кўчиев яқинда Бухоро областининг Қизилтепа, Ғиждувон ва Навоий районларида бўлди. Унинг ўзи ишлаб турган «Малик» совхозида хўжалик ҳисобига ўтган трактор-далачилик бригадаларида меҳнатни янгича ташкил қилиш ва техникадан фойдаланиш тажрибаси ҳақидаги суҳбати механизаторлар, агрономлар, партия ходимлари ўртасида зўр қизиқиш туғдирди. Шу совхознинг механизаторларидан яна икки киши, яъни М. Алиев ва Г. Болишев ўртоқлар Свердлов, Гометон, Когон, Қоракўл ва областнинг бошқа районлари қишлоқ меҳнаткашларига ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар. Новаторлар чигитни белгиланган миқдорда квадрат-уялаб экадиган сеялканинг ишлашини бевосита далада кўрсатдилар.

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг колхоз ва совхозлардаги 400 та филиали республикада қишлоқ хўжалик фани ва практикаси ютуқларини актив пропаганда қилмоқда. Жамиятнинг қишлоқ активларидан икки мингга яқин киши—механизаторлар, чорвадорлар, агрономлар, зоотехниклар, қишлоқ хўжалик артелларининг раислари колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида лекциялар ўқимоқдалар, ишлаб чиқариш-иқтисодий конференциялар, тематик кечалар, консультациялар ўтказмоқдалар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

ГЎШТ, СУТ, ЁҒ СЕРОБ БЎЛСИН!

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг якунлари

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети қайд қиладиларки, кўпгина илғор колхоз ва совхозлар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани кучайтириб, гўшт, сут, тухум етиштиришни ҳамда чорва моллари туёғини кўпайтиришда баъзибир ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йилдагига қараганда уч баравар кўпайди. Янгиер шаҳрининг колхоз ва совхозлари гўшт етиштиришни 8 баравар, Оққўрғон райони 5 баравар, Сирдарё райони ва Олмалиқ шаҳри 4,3 баравар кўпайтирдилар.

Шунингдек, сут етиштириш 25 процент кўпайди, Янгиер шаҳри, Чиноз, Бекобод, Калинин районларида эса сут соғиб олиш 32—55 процент ошди.

Тухум олиш ўтган йилдагига қараганда 64 процент ортди. Олмалиқ шаҳрида эса 5 баравар, Бекобод районининг колхоз ва совхозларида эса 2,9 баравар, Чиноз районида 2,7 баравар кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси область колхоз ва совхозларига бу йил давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш квартал планини муддатидан илгари бажариш ва ўтган йилдагига қараганда давлатга бу маҳсулотларни анча кўпроқ сотиш имкониятини берди.

Шу билан бирга область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети қайд қиладиларки, кўпгина колхоз ва совхозлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва чорва моллари туёғини кўпайтириш учун бор имкониятлардан ҳали етарли фойдаланмаётирлар.

Йирик шохли қорамоллар сони областимиз бўйича умуман олганда йил бошидан шу вақтгача 2910 бош кўпайган бўлса ҳам, лекин Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ сингари баъзи районларда камайиб кетди. Янгийўл, Калинин, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе сингари районларда чорва моллари сонининг камайиб кетганлиги айниқса чидаб бўлмайдиган ҳолдир.

Бундай сусткашлик давлатга гўшт, сут сотиш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Молларни бўрдоқига боқиш иши ҳам қониқарсиз бормоқда. Шу туфайли кўпгина колхоз ва совхозлар январь ва февраль ойида белгиланган нормадагидан ориқ моллар топширдилар.

Ҳалигача биронта район ҳам колхозлараро ва совхозлараро бўрдоқига боқиш базалари ташкил этиш юзасидан олган мажбуриятини бажармади, бир қатор хўжаликларда эса ҳалигача бўрдоқига боқиладиган моллар группаларга ажратилмаган. Молларни бўрдоқига боқиш ва давлатга топшириш юзасидан ойлик график ҳамма ерда ҳам тузилган эмас. Бу камчиликлар шунга олиб келдики, Бўка, Бўстонлиқ районларининг колхоз ва совхозлари ва Оҳангарон шаҳрининг совхозлари давлатга гўшт сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш соҳасида жуда ҳам орқада қолиб келмоқдалар.

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети қайд қиладиларки, кўп колхоз ва совхозларда сут етиштиришни кўпайтириш иши қониқарсиз ташкил этилган. Шунинг натижасида Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Чиноз районларининг колхоз ва совхозлари февраль ойида ялпи сут етиштиришни камайтириб юбордилар. Қуйи Чирчиқ районининг колхозлари эса ҳар бош соғиш сигирдан олинадиган сутни январь ойидагига қараганда 7 килограммдан камайтириб юбордилар.

Баъзибир колхозларнинг ҳар бош соғиш сигирдан ўртача жуда кам сут соғиб олаётганликлари кечиримас ҳолдир.

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети область колхоз ва совхозларида ҳали ҳам чорва молларининг бир қисми нобуд бўлиб кетаётганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамолларни сунъий урчитиш ишлари жуда суст бормоқда. Бу, чорва молларини болалатиш планининг бажарилишини хавф остида қолдиради.

Областда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг чорва молларини маҳсулоти таннархини камайтириш юзасидан белгилаган қарори ҳам қониқарсиз бажарилмоқда. Йирик шохли қорамолларни боғламасдан боқиш, чўчқаларни катта-катта группаларга ажратиб боқиш ва мол боқишда энг оддий механизацияни жорий қилишни тавсия этилади. Март-апрель ойлари мобайнида ҳар бир районда кам деганда бир-иккита фермада иш усулини ана шу тартибда ташкил этиш топширилади. Шундай қилинса биринчи ярим йилликда колхоз ва совхозлардаги асосий чорвани юқоридаги тартибда боқиш усулига кўчиш мумкин бўлади.

Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорва туёғини кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажаришда энг яхши натижага эришган районга область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи ҳамда 5 минг сўм пул мукофоти берилади. Байроқ ҳар квартал натижасига қараб топширилади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталарига илғор чорвадорларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш, чорвадорлар социалистик мусобақасини мунтазам ёритиб бориш вазифаси топширилди.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

11 мартда Москвада Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия қишлоқ хўжалик илмий муассасалари вакилларининг кенгаши тамом бўлди. Бу кенгаш қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий ишларни мувофиқлаштириб олиб боришга бағишланган эди. Кенгашнинг ишида ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи доимий комитети ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши секретариатининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Олимлар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш юзасидан 1958 йил октябрь ойида Москвада бўлиб ўтган III конференция белгилаган ишларни якунлаштирди ва биргаликда қилинадиган ишлар программасини муҳокама қилди.

Кенгаш қатнашчилари қардош мамлакатлар ўртасида, жумладан, қишлоқ хўжалик фанига доир энг муҳим назарий проблемаларни биргаликда ишлаб чиқиш соҳасида илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш зарур эканлигини таъкидладилар.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш юзасидан навбатдаги конференцияни шу йилнинг ноябрь ойида Софияда ўтказиш мўлжалланди.

(ТАСС).

Пландан ташқари

Тошкентдаги «Подёмник» заводининг меҳнатсевар коллективи шу кунларда барча қатори Ленин вахтасида туриб ишламоқда.

Корхонада йил бошидан бери пландан ташқари 16 та кран-балка, 13 та электр қранн ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётган коллектив ўртасида илғорлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Кундалик топшириқни 190—200 процентга етказиб бажараётган ишчилардан Н. Горбунов, М. Якунин, З. Маннопов, Л. Иванова ўртоқлар шулар жумласидандир.

АДАБИЁТ САҲИФАСИ

ЛЕНИННИ ЎЙЛАЙМИЗ, ЛЕНИННИ КЎЙЛАЙМИЗ



В. И. Ленин Коминтернининг III конгрессида. Москва, 1921 йил июнь-июль (кинокадр).
(КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти томонидан нашр га тайёрланаётган альбомдан). (ТАСС фотохроникаси).

ЛЕНИН СЎЗЛАБ ТУРИБДИ

Хамит ЕРГАЛИЕВ

Рўпарада турар доҳий ростлаб қад,
Биз қараймиз, у ҳам қарар биз томон.
Уни севган, қуршаб олган халқ беҳад,
Қўлин чўзиб, олға ундар у ҳамон.

Қачон кўрсанг меҳру чеҳраси илиқ,
Ҳаракатчан, вақт қиммат! Одат шу!
Доим турар кўз олдида илиғлик,
Унинг қора қулоқчини, пальтоси.

Чеҳрасида ўйнаб ёркин нур чексиз,
Турар кулиб чарақлаган тонг каби.
Унинг сўзи ўтдан иссиқ, ўқдан тез,
Ҳаёт учун курашади абадий.

Сўз етишмас донишманд дейишга ҳам,
Қўшиққа ҳеч сиғмас доҳий таърифи.
Қалбимизда яшар сиймоси ҳар дам,
Зафарларнинг қомусидир тарихи.

Ленин номин байроқ қилиб халқ ўсди,
Ватан — доим яшнаб турган гулбоғи.
Хотирлаймиз Владимир Ильични,
Кўз ўнгидан кетмас азиз нигоҳи.

Кўз олдимдан кетмас доҳий ҳеч қачон,
Ҳаёт бўлмас у-сиз сени, менда ҳам.
Юрар ўзи неча заводда бу он,
Қўриқ ерда, денгизда ҳам, элда ҳам.

Кенг жаҳонга гул келтирган бу чоқда,
Баҳор дейди уни барча озод эл.
Шеърим — букет! Букетимни қучоқла,
Гул билан бир уни туққан эй, апрель!

Рўпарада турар доҳий ростлаб қад,
Биз қараймиз, у ҳам қарар биз томон.
Уни севган, қуршаб олган халқ беҳад,
Қўлин чўзиб, олға ундар у ҳамон.

Қозоқчадан И. МУСЛИМ таржимаси.

ЛЕНИН

Расул РИЗО

(Шу номли поэмадан парча)

Саодатнинг илдизи ҳам
Инсон юрагидадир;
Буни англамаганлар —
Қулдир, шўрлик бандадир.
Ильич кўз ташлар ўз
манзилига.
Кўзларининг булоғида
жилмайиб,
Шу сўз келар қўнглига:
«Кичик бир столи бор,
Битта курси, бас,
Бундан ортиқ на ҳожат,
Вазият ёмон эмас.
Манави сув идиши.
Бу ахир маҳбус жойи.
Шундай... Шундай...
Қамоқ иши...
Ишхона-ку бинойи.
Лекин сиёҳ ҳам йўқ,
Довот ҳам!»
Ильич ўйланар.
Биров йўталгандай
эшикда шу дам.
— Чол!
— Хўш?
— Сенда балки қалам ё сиёҳ
бордир?
— Йўқ!
Бўлса ҳам — бўлмас!
Ленинниинг қошлари
чимрилар шу нафас.
Кейин илжайиб, дейди:
— Майли, чора нима!
Ўз-ўзича ўйлайди:
«Бунда нон ҳам,
сув ҳам тайёр.
Сиёҳсиз ҳам ишлаш чораси бор.
Ортиқ на ғам.
Мен қуролсиз эмасман!»

* * *

Кундузга улаб оқшомини,
Китоб сатрлари орасига
Сут билан ёзарди
Партия программини.
Тарихнинг ўлмас сўзлари
баъзан
Содда сигир сути-ла ёзилди.
Шундоқ!
Деворлари қора тош,
Қоя каби қарама-қаршн.
Хонанинг бўйи уч аршин
Сўрамагин, дарчадаги —
Темир панжара нечун?
Ҳаммаси одам руҳини
бўғмоқлик учун:
Цемент пол ҳам,
тош девор ҳам,
Тобут қопқоғидек
оғир эшиклар ҳам.
Лекин,
зах, қоронғу, бадбўй
бу ётоқ ҳам,
Ойларга сурилган
бу оғир қамоқ ҳам,
Бақириқлару,
Занжир жалдироғи ҳам,
Қуллуқчи жанобларнинг
Ёқимсиз сўроғи ҳам—
Бу пўртана қушининг,
бу кураш ўғлининг
руҳини эза олмади.
Столга эгилади,
ажин кўпайибди кенг пешонада,
У халқ истиқболин ўйлаб
қамоқхонада.
Хатлар, варақалар
ошар қамоқхона —
баланд қўрғондан.
У тез-тез дарак олар
Ишдош, амалдош дўсту
ёрондан.
Кунлар заиглаган занжирдек
Бир-бирига боғлиқ ўтар
Бу тош қўрғон ичида.
Неча ойки, кўринмайди
Ленин ёрон ичида.
Лекин унинг сўзи
Тилларда достон.
ўзи кўнгилларда достон.
Зиндонда сарғайса ҳам
ҳали унинг юзи;
Кураш майдонида —
яратиб улғайтирган
«Кураш союзи».

* * *

Дарича ойнагида
Эрийди музлик турфа нақш
Кунлар ўтар, билинмас —
на совуқ,
на бўрон, на қиш...
Ёруғ бир саҳар,
Зиндон деворларин ёриб
Келди хуш хабар:
«Иш ташлашди тўқувчилар!»
Жаранглар бу хабар
Жўшқин ҳаёт каби.
Кураш қўшинида
Ўлмас нақорот каби.
Бу Ленин заҳматининг
илк мевасидир,
Бу келажак ва ёруғ кунлар
нафасидир,
Ленин тик туради
Хонасида бу фурсат,
Гўё эриб оққандай
Хонада мунг-хасрат.
У тик турар,
Панжарадан ёруғ тушар кўзига
У тикмишдир кўзларини
Келажак кундузига.
Озарбайжончадан
МИРТЕМИР таржимаси.

Кекса ишчи ҳикояси

... Фин ерида эдим у чоқда,
Кеч пайт эди, тўхтади поезд.
Тилдан-тилга кўчиб ҳар ёққа
«Ленин» деган сўз тарқалди
тез.

Қани уни кўролсам эди
Майли эди узоқдан ҳатто.
Кўрганимни, билганларимни,
Бир умрга сақлардим
ёдда, —
Деган ҳислар қалбни қопларди.
Яқинлашдим вагонга шу вақт,
Посбон деди: Мумкин эмас-ку...
— Мен ишчиман, — дедим, —
эт рухсат.
Эзгу ният ошди амалга,
Кўрдим Ильич турган хонани.
— Салом! — дедим, кўзларим
чақнаб.
— Салом ! — деди, —
ўлтиринг, — қани...
Аввалига босди ҳаяжон,
Тутиб олдим кейин ўзимни,
Россиямиз ҳақида Ильич
Сўрайкетди, тинглаб сўзимни.
Ҳамдам бўлдим мен суҳбатига,
Узоқ эмас, бир неча минут.
Минутларни, ўрнин йил босмас,
Бир умрга бўлмас ҳеч унут.

Ғиёс КОМИЛОВ.

РАССОМ МЕҲРИ

... Бошлаб қўйилган картиналарнинг дастлабки вариантлари, эскиз намуналари ва портрет этюдлари бўлажак полотноларнинг мазмунли ва композицияли чиқишидан далолат бериб турарди. Буларнинг кўпчилиги улуғ Ленинга бағишланган бўлиб, улардан доҳининг самимий қиёфаси ҳам, буюк инсоний фазилатлари ҳам рассомнинг ноэмик кистлари ёрдамида ишонарли талқин этилаётганлигини пайқаб олиш қийин эмасди.

— Бу эскизларни бошлаб қўйишга қўйдим-у, лекин улар устида кўп ишлашга тўғри келади, — деди рассом В. И. Кайдалов хонадаги янги асарлар билан бизни таништираркан.— Ҳа, доҳи образини полотнода акс эттириш осон эмас. Биласизми, мен буюк доҳи билан шахсан учрашган эмасман. Ленин вафот этганда мен Сибирда яшар эдим. Ана ўшанда биринчи марта доҳи портретини чизган эдим. Ленининг «Партияга кириш, партиясиз ишчи ўртоқлар!» деган чақиришига бағишланган асарларим эса Ленинграддаги сиёсий-оқартув марказида рассом бўлиб ишлаб юрган вақтларимда яратилган.

В. Кайдалов бундан кейинги фаолиятида ҳам доҳи образига яна бир неча бор мурожаат қилганлигини гапириб берди.

Чиндан ҳам В. Кайдалов Ленин ҳақида сериялн асарлар ижод қилган. «Коммунизм сари!» асари рассомнинг Смольнийдан чизиб қайтган зарисовкаларининг дастлабки намуноси сифатида кўпчиликка манзур бўлди. Разлив хотиралари асосида чизилган композицияли картиналар ҳам республикамизда очилган рассомлар асарлари кўргазмасида кенг намойиш қилинди. Эндиликда, В. Кайдаловнинг «В. И. Ленин овда» асари бадиийлиги ва жонли лавҳаларга бойлиги билан тамошабинларнинг энг севимли расми бўлиб қолди. Бу расмда ижодкорнинг ўзига хос услуби, бўёқ ишлатиш маҳорати яққол кўзга ташланади.

— Ленининг ҳаёти ва фаолиятида, — дейди В. Кайдалов, — рассомлар учун қизиқарли бўлмаган майда деталлар йўқ. Буларнинг ҳаммаси ижодкор илҳомига илҳом қўшади. Ёзувчи А. Кононовнинг «Разлив кўли ёнида» ҳикояси асосида картина ишлашга киришдим. Улуғ Ленининг К. Цеткин, Н. К. Крупская, М. И. Ульяновалар билан санъат ҳақида суҳбатлашиб турган пайтини ҳам бўлажак асаримда тасвирламоқчиман. Ленининг М. В. Фрунзе билан учрашув картинасини ҳам акс эттириш ниятидаман.

Биз рассом билан хайрлашар эканмиз, бошлаб қўйилган асарларнинг муваффақиятли чизиб тугалланишига ишонч ҳосил қилдик. Чунки рассомнинг олинган темага талабчанлик билан ёндошиши, ҳар бир деталнинг равон талқин этилиши устида тинмай ижодий иш олиб бориши бундан далолат беради.

А. АЛИЕВ.



В. Кайдаловнинг «Қизиқарли масала» деган расмидан репродукция.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Шоир Степан Щипачевнинг улуғ доҳи В. И. Ленинга бағишлаб ёзган «Шушинскийдаги уйча» ва «Гўё шу оқшомда» деган лирик шеърларини албатта ўқиган бўлсангиз керак. Атоқли композитор Г. Мушель яқинда ана шу шеърлар асосида янги романслар басталади.

Шеърлардаги жўшқин ва ёркин поэтик мисралар романслар лирик оҳангининг жозиба кучини тағин ҳам оширишга ёрдам берган. «Шушинскийдаги уйча» романсининг дебочаси воқеабанд картиналарни ёркин тараннум этади.

Шўх, лекин лирик оҳанг тараташтаётган музика тингловчини Ленин ижод қилиб ўтирган хонага олиб киради, унинг кўз олдида доҳининг ажойиб фазилатлари ва инсоний характерини ёркин гавдалантиради.

«Гўё шу оқшомда» романси эса улуғ доҳи ғоялари тантанасининг жанговар садолари сифатида тингловчи қалбидан чуқур ўрин олади. Романс музыка тилининг жозибаси эса асардаги бундай кўтаринки руҳни очиб беришга ёрдам берган.

Композитор Пак Ен-дин навбатдаги вокаль асарини Ленин образини акс эттиришга бағишлади. «Ленин ҳақида қўшиқ» деб аталувчи бу асар солистлар ва хорнинг фортепиано жўрлигида ижро этилишига мослаб ёзилгандир.

Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан Ўзбекистон Совет композиторлари Союзи биносида яқинда жамоатчилик иштирокида ўтказилган янги музика асарларини тинглаш кечасида юқоридаги музикалар муҳокама қилинди. Муҳокама қатнашчилари Г. Мушель романсларини ҳам, Пак Ен-дин вокаль асарини ҳам юқори баҳоладилар.

С. ОДИЛОВА.

Оддий кунлардан —
бир кун.
Уриларкан қирғоқларга
Болтиқдан тўлқин, —
Уни қамоққа олдилар,
Зиндонга солдилар.
Эшиклар ёпилиб,
Калид жиринглади, тинди...
афсус!
Бу қандай маҳбус-дн!
Бу қандай маҳбус!
Пешонада пўртанали умр
ажинлари,
Кўзларида умид, ҳаёт
ёлқинлари,
Озодлик жарчиси у!
Оқшом қоронғулигидай
ўртага чўкди сукут,
Калитдорни босди мудроқ,
уйқу...
Тинди оёқ товушлари.
Яланғоч хонада
ёлғиз Ильич қолди.
Деворлар унсизу
Шип ҳам лол-ди.
Хона ҳам қоронғу.

* * *

Ильич хаёлга чўмар,
Эсга олар дўстларин.
Эсга олар меҳрибон,
Кўнгил хуши сасларин.
Панжарадан суқилар
Оқшомдан дарак берган
Черковнинг қўнғироғи,
Қўнғироқнинг янгироғи.
Қамоқхона деворлари юксак
Эшикнинг яримой тирқишида —
Гоҳ кўринар, гоҳ йўқ бўлар
Бир кекса киши-да,
Кундуз қоровуллигида
зулмат тургандак.
Энг оғир кунларнинг ҳам
Содда бир чораси бор:
Қалбнинг қудрат таянчини
Кечмиш қўйнидан эмас,
Келажакдан ахтаргин зинҳор!

ПАХОМОВКАЛИК ВАКИЛ

ҲИКОЯ

Сергей АНТОНОВ

Смольний. Оёғига янги чипта кавуш, эгнига эски чакмон кийган ва белини тутилаверіб тўзиб кетган юмшоқ чилвир билан боғлаб олган кекса бир деҳқон Ленининг секретари ўтирган хона остонасида бир нафас депсиниб турди-да, сўнг аста-аста юриб, стол ёнига яқинлашди. Унинг бир қўлида шапкаси, иккинчи қўлида эса нон халтаси бор эди. Чолнинг устидаги чакмони ва қўлидаги халтасидан жавдари бўғдой нони билан тутун ҳиди келиб турар ва ғалла қуритилиб, янчиладиган бостирмани, анғизни, картошка пояларн куйдириладиган яланг далани, турналар қур-қурлаб иссиқ томонларга учиб бораётган зангори куз осмонини эслатарди...

— Салом, қизим!.. — деди чол секретарь аёлга ҳурмат юзасидан таъзим қилиб.

— Салом, ўртоқ!.. — деди ёш аёл ва бошини кўтариб унга қаради.

— Мен... Ленининг олдига кирмоқчи эдим... — деди деҳқон ва бир оз иккиланиб қўшиб қўйди: — Ўртоқ...

— Албатта Ленининг олдига киришингиз керакми? Қандай иш билан эди? — деб сўради секретарь хотин.

— Бизнинг ишимиз маълум: ер тўғрисида, яхши қизим.

— Ер тўғрисида, дейсизми? Нима, бирор ерига тушунмадингларми? Декретни олдингларми ўзи?

— Олдик! — деб жавоб қилди деҳқон ва бир тин олиб, халтасини ечди-да, ичидан нимаийдир титкилай бошлади.

— Айтмоқчи, ўтиринг, марҳамат! — деб жой кўрсатди секретарь хотин унга. — Фамилиянгиз нима?

— Пахомов... — деди у стулга ўтирар экан. — Бизнинг қишлоғимиздагиларнинг ҳаммаси Пахомов... Ҳатто қишлоғимизнинг оти ҳам — Пахомовка. Боринғки, теварак-атрофларимизда ҳам Кичик Пахомовка, Янги Пахомовка деган қишлоқлар бор. Шунақа: бизлар-га Пахомовлардан берган... Ҳаммамиз ҳам Пахомовлармиз... Мана... — деҳқон халтасидан қатлари йиртилай деб қолган, қўлдан-қўлга ўтаверіб эзиланган, ҳатто бир-икки жойи елимланган бир парча қоғозни олиб берди.

Секретарь хотин қоғозни қўлига олиб, диққат билан кўздан кечира бошлади.

— Шундай қилиб, ер энди деҳқонларники эканлигини шу қоғоздан билдингларми? — деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Шу қоғоздан. қизим... Шу қоғоздан...

Секретарь қоғозни эҳтиётлаб стол устига ёзди. Бу идораларнинг қизил ва қора чизиқлар чизилган «Кирим» дафтари варағига анчамунча хатолар билан кўчирилган ер тўғрисидаги декретнинг қўл ёзма нусхаси эди; бунинг устига қатлари тўзиб кетганидан ундаги баъзи сўзлар ва ҳатто жумлаларни ҳам ўқиб чиқиш эндиликда амри-маҳол эди.

— Ҳмм... — деди секретарь қоғозни эгасига узатар экан ҳайрон бўлиб. У юзлаб деҳқонларнинг ғадир-будур қўлларидан ўтган бу қўлбола ҳужжатга ҳурмат билан қараб қўйди.

Ер энди «Бизники» бўлди деган гапга шахсан ишончи ҳосил қилишни истаган қанчадан-қанча кўзлар қадалмаган бу хатга! Чунки ишониш қийин эди бунга. Секретарь ўз тажрибасидан, Ленининг олдига келган қишлоқ вакилларини, айниқса, эндиликда деҳқонлар қўлига ўтган ер масаласи кўпроқ қизиқтиришини яхши биларди. Афтидан, Пахомовни вакил қилиб юборган жамоани ҳам, кўпроқ бу ҳужжатнинг тўғрими ёки ёлғонми эканлиги, аниқроғи, ер тўғрисидаги декретнинг ҳақиқатан ҳам борйўқлиги масаласи ғулғулага солиб қўйганга ўхшарди.

Секретарь вакилга Ер Ишлари Халқ Комиссари муовини билан гаплашишни айтди.

— Бу ишимиз яхши бўлмади, — деди Пахомов оғир хўрсиниб. — Жамоа мени Ленининг олдига юборди. Менга Ленин керак. Ўзи керак!

— Тўғри, ўртоқ Пахомов. Бироқ, Владимир Ильич ҳар қанча қилганда ҳам ҳаммани қабул қила олмайди. Мен сизга айтган ўртоқ эса ҳудди сиз айтган ер масаласи билан шуғулланади, ҳаммасини сизга яхшилаб тушунтириб беради. Ўзи — Ер Ишлари Халқ Комиссарининг муовини.

— Ҳа-ҳа! — деди Пахомов бир оз ўйланиб турғач, норозилик билан. — Шундай денг... Барибир комиссарнинг олдига кирадиган бўлдимда-а? Борди-ю. комиссар билан ишим битмаса — Ленининг олдига шундан кейин кираркаман-да, чамаси? — деди чол ва ечилган халтасини ушлаб ўтирраркан, айёрлик билан секретарга кўз қирини ташлади.

Секретарь ичида, афтидан, жамоа бу чолни Питерга бекорга вакил қилиб юборманган бўлса керак, деб ўйлаб қўйди.

— Ҳа, кейин Ленининг олдига киласиз, — деди секретарь ноилож рози бўлиб.

Пахомов кафти билан столга уриб:

— Бўпти бўлмаса! — деди-да, қўлида халтаси билан ўрнидан турди.

Пахомовга Халқ Комиссари муовининнинг столини кўрсатиб қўйишди. Унинг столи шу кенг хонага жойлаштирилган бошқа ўн чоқли столга ўхшаш бўлиб улардан ҳеч қандай фарқи йўқ эди: устига доғ босган, сафсар сиёҳ тўкилган кўк мовут ташлаб қўйилган оддий идора столи.

Жойнинг эгаси ўрнида йўқ эди. Шу сабабдан Егор Пахомов стулга келиб ўтирди-да, бармоқлари билан мовутни чертиб ўйнаб жиҳозларни виқор билан кўздан кечира бошлади. Лекин бу кўриниш унга ёқмади. Хонада кишида дарҳол ишонч умидларини туғдирувчи на бир салобат ёки, лоақал, унда бирмунча ҳаяжон қўзғовчи на бир шукуҳ кўзга ташланар эди. Егор Пахомовга эса шундай шарт-шароитнинг бўлиши зарурдай туюларди. «Ахир, минг янги бўлганда ҳам, ҳар қалай, ҳокимият деган номи бор-ку! Ҳокимият эса — ҳар ҳолда олий нарса. Бинобарин, кишининг ҳурматини қозониши, унда бирмунча бўлса ҳам ҳаяжон, қўрқув қўзғаши лозим...» Йўқ, бу ерда мутлақо ундай эмас эди. Келиб-кетувчилар у стол билан бу стол орасида мокидек бемалол у ёндан-бу ёққа тўзиб туришар, стол эгалари эса ҳар қайсиси ҳар хил қиёфада ўтиришар, булар орасида ҳатто бир неча аёл ҳам бор эди. Хона ичи шов-шув эди. Телефон қилиш ҳам, ёзувларни машинкада кўчириш ҳам — ҳаммаси шу хонада эди... Бировлар катта бир шкафни эшикдан киргизиш учун уринишар, кимдир деворга «Чекилмасин!» деб ёзилган қоғозни қоқар эди...

Мана, Егор Пахомов кутиб ўтирган столга ўрта бўйли, эгнидаги кул ранг қўйлагининг этагини шимининг устидан тушириб олган, оёғига этик кийган ва худди мастеровой ёки қишлоқ муаллимига ўхшаш бир киши келиб ўтириб:

— Сизнинг менда ишингиз бормиди, ўртоқ, деб сўради.

Егор Пахомов унга ўтирилиб, секин ўрнидан турди ва вазминлик билан:

— Комиссар сизмисиз?—деб савол билан жавоб қайтарди.

— Муовини...

— Салом бердик, — деди эҳтиром билан Пахомов.

— Салом, ўртоқ. Қандай хизмат билан?

— Ер тўғрисида... — деди Пахомов.

— Декретни тушунмадингизми?

— Ҳа, —деб вакил бош чайқади-да, яна уй ичига танқидий назар ташлади: шу хонада, шу кишилар билан бир иш чиқариш қийин-ов, бироқ гаплашиш керак...

Пахомов қайрилиб Халқ Комиссари муовинига қараб ўтирди. У бўлса одати бўйича хотиржам, гўё ўқувчи болалар ёки студентларга гапираётгандай қилиб:

— Тушунтиришга ҳаракат қиламан, — деди ва тушунтириб кетди: — помешчикларнинг ерга бўлган хусусий мулкчиликлари революция томонидан ҳеч қанақа ҳақ тўланмасдан дарҳол бекор қилинди? Бу — бир!

Халқ Комиссари муовини шашт билан қўлини қилич қилиб столга уриб кўрсатди.

— Хўш, бу нима дегани? Бу демак — энг аввало...

— Кечирасиз... — деди унга ҳарбий кийим кийган бир киши унинг ўтирган столи ёнига келиб. — Мана шу шкафда менинг қоғозларим бор эди, — деди у ва қўли билан комиссар муовинининг орқасидаги шкафни кўрсатди.

Муовин ўтирган стули билан бирга бир чеккага сурилиб, унга йўл берди.

— Бу демак — энг аввало, — деб гапини давом эттирди у, — ҳозирга қадар помешчиклар, ибодатхоналар, подшо кишиларига қарам бўлиб келган ерлар эндиликда бевосита ер билан шуғулланадиган меҳнаткашларга текин фойдаланиш учун тортиб олиб берилади. Ана шу тарихий дақиқалардан бошлаб ернинг асл хўжайинлари сизлар — сиз деҳқонлар бўлиб қоласизлар.

— Йўқ, шкафда йўқ экан, — деди афсусланиб ҳарбий кийимдаги киши. — Асти чандаги тортмада...· — Кейин у столнинг ҳозир Халқ Комиссари муовини ўтирган томонига ишора қилди.

Муовин яна стулини илгариги жойига силжитиб ўтирди-да, қизғин мусоҳаба қилаверди:

— Ер — энди унга тер тўкиб меҳнат қилувчиларники! Эксплуататорлар замони энди тамом бўлди, энди Ер планетасининг ҳақиқий эгалари замони келди!

— Узр, — деди яна ҳалиги ҳарбий кийимдаги киши, — чамаси, қоғозлар ўртадаги тортмада, шекилли...

Муовин ўтирган ўрнидан туриб бу ёққа чиқди ва Егор Пахомовнинг ёнида қалашиб ётган боғлоқли қоғозлар устига ўтириб, гапида давом этаверди:

— Эндиликда — бутун ерлар сизларники! Ва умрбод сизларники бўлиб қолади!

Орадан яна бир беш минутча ўтар-ўтмас, янги шкаф киритиб қўйишаётиб, унинг ўтирган столини ҳам бир чеккага силжитишди. Комиссар муовини билан Егор Пахомов энди столсиз бўш жойда ўтиришиб гаплашишар эди.

— Мана сенга комиссарнинг аҳволи! Мана сенга ер эгаси! — деб ўйлади Пахомов.

У, комиссар муовинининг гапларига охиригача қулоқ солиб, шунчаки номига бир-иккита савол ҳам берди-да, сўнг ер тўғрисидаги декретдан бир нусхасини олиб, таъзим қилиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Қишлоқлардан келадиган вакиллар, шунингдек, у ёки бу иш билан Питерга келувчи кишилар, қандай бўлмасин, албатта Ленининг олдига киришни истардилар — уни кўришни, у билан гаплашишни, унинг қўлини сиқишни, ҳақиқатан ҳам унинг мавжудлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонишни хоҳлардилар. Бундан ташқари, бундай бўлишининг асосий сабаби яна шуидан иборат эдики, ўша пайтларда янги дунёнинг бор ҳақиқатлари, ҳали ҳаммага ҳам унча равшан бўлмаган унинг гоя ва фикрлари, кишилик тарихида ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бўлмаган, ҳали ҳамма ҳам тушуниб етмаган унинг формалари фақат бир ном — Ленин номи билан боғлиқ эди. Ленин деганда жумбоқлар ечиларди, яқиндагина ўзгага қарашли бўлган нарса — энди ўзингиники, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар — энди мумкин бўлиб қолар эди.

Ҳар бир вакил ўзини юборган жамоага: «Буни менга Ленин айтди. Мен Ленининг ўзи билан гаплашдим, уни ўз кўзим билан кўрдим» — деб айтиб боришни истарди.

Шунинг учун Егор Пахомов Ленининг секретари олдига яна қайтиб келар экан, у ажабланмади: бошқа ҳамма кишилар каби бу чол ҳам Владимир Ильич билан бир илож қилиб учрашиш учун ҳаракат қилишига унинг кўзи етди.

— Хўш, ишларингиз қалай? — деб сўради у Пахомовдан.

— Гаплашдик, — деб чалгитиб жавоб берди чол ва кетидан маъноли қилиб қўшиб қўйди: — Мен стулда, комиссар қоғоз боғлами устида ўтириб гаплашдик. — Сўнг бир оз жим тургач, қатъий равишда илтимос қилди: — Мен албатта Ленинни кўришим керак, ҳурматли ўртоқ Йўқса жамоага нима дейман? Менга фақат Ленин билан гаплашасан; деб топширганлар. Шундай бўлгач, пахомовкаликларимизни ҳурмат қилинг, қимматли ўртоқ!..

Секретарь «уф» тортди-да, Ленининг қанчалик бандлигини, айниқса шу кунларда бори-йўғи суткасига фақат икки-уч соатданғина ухлаётганлигини тушунтириб ҳам ўтирмай:

— Бўлмаса кутиб туринг. Мен Владимир Ильич сиз билан қачон гаплашиши мумкинлигини билиб чиқай, — деди.

— Ҳа ана, иш мундоғ бўпти!— деди хурсандчилигини ичига сиғдиролмай Пахомов. — Бизга ҳам шу керак эди!

У, кўрсатилган стулга ўтириб, кута бошлади.

Ленининг кабинетидан денгизчилар чиқиб келишди ва шу ондаёқ уларнинг ўрнига иччи кийимдаги бир туркум кишилар кириб кетишди. Ишчилар кетишгач, аскарлар, улардан сўнг устида қиммат баҳо пўстин кийган ва кўзига кўзойнак тақкан бир аскар киради.

Секретарь хотин ҳам Ленининг олдига бир неча марта кириб чиқди.

— Ҳадемай сизни қабул қилади, ўртоқ Пахомов, — деб хабар қилди у.

— Раҳмат, раҳмат! — деди миннатдорчилик билан Пахомов, кейин ташвишланиб, қўшиб қўйди: — Мен яна кутиб ўтиришим мумкин. Майли, ўртоқ Ленин фурсат топиб ўзи чақиртирар.

Ниҳоят, Ленининг кабинетидан устига қиммат баҳо пўстин кийган ва кўзига кўзойнак тақиб олган ҳалиги одам ҳам чиқди. Кабинетга ҳеч ким кирмади. Гўё Ленининг ҳузурида ҳеч ким йўқдек эди. Аммо секретарь хотин Пахомовга:

— Ўн минутдан кейин кирасиз, ўртоқ, — деди.

НУР БАХШ ЭТГАН ҲАЁТ

Чароқлаган ёруғ кунда кўрдим ўзимни,
Тилим чиқиб:— Ленин!— дедим, бошлаб сўзимни
Кўзларимнинг нури бўлиб улуғ раҳнамо,
Таълим бериб истиқболга бошлар доимо.
— Ленин!— десам, илм менга йўлини берди,
— Ленин!— десам, озод меҳнат кўлини берди.
— Ленин!— десам, элда яшнар пахтазор чаман,
— Ленин! —десам, «СХМ»лар... саф-саф кўраман
— Ленин!— десам, ГЭСлар бунёд, чароғон йўллар
— Ленин!— десам, таъзим билан гул тутар чўллар
— Ленин! — десам, мева тутар беқиёс боғлар,
— Ленин! — десам, кўксин очиб кон уяр тоғлар
— Ленин — десам, дарёлар ҳам измимдан юрар.
— Ленин! — десам, океанлар ўшқирмай турар,
— Ленин! — десам, осмон тиниқ, манзилим яқин,
— Ленин!— десам, коммунизм — келажак ёркин
Меҳнатнаш халқ билан бирга ҳаётдир Ленин,
Ер юзига нур бахш этган ҳаётдир Ленин.

Тўлқин РАЖАБИЙ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 13 МАРТ.

Моллар тез семирмоқда

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозида бу йил ҳар юз гектар ер ҳисобига 150 центнердан гўшт етиштириш мажбурияти олинган. Шунинг учун 60 бош қорамол, 70 бош чўчқа, 100 бош қўй ва 200 та парранда бўрдоқи қилиб боқилмоқда. Тажрибали молбоқар ва чўчқабоқарлардан Владимир Пинчук, Кумушбой Булдуров ва Холиқ Жўламирзаев ўртоқлар бўрдоқиларнинг яхши семириши учун астойдил курашмоқдалар. Натижада қорамол ва чўчқалар кунига 800—900 граммдан семирмоқда.

«Қизил Ўзбекистон» колхозида бўрдоқига боқиш ишлари янада яхши ташкил қилинган. Колхоз бу йил давлатга 140 тонна гўшт сотиши керак. Чорвадорлар олинган мажбуриятни бажариш учун курашиб, февралнинг биринчи ярмидаёқ давлатга 81 тоннадан ортиқроқ гўшт топширдилар ва ярим йиллик планни 120 процент бажардилар. Ҳозир хўжаликда яна 150 қорамол ва чўчқа бўрдоқига боқилаётир.

Райондаги Ленин номли колхоз аъзолари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар ўтган йили мўл-кўл ем-хашак тайёрлаган эдилар. Ҳозир чорвадорлар 300 бош қўй, 50 бош чўчқа ва кўплаб қорамолни боқувга қўйдилар. Бўрдоқилар яхши семираётир.

Шунингдек Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозда ҳам гўшт етиштириш кескин кўпайтирилмоқда. Ҳозиргача хўжалик фақат қорамолнинг ўзидан давлатга 45 бош бўрдоқи топширди. Боқувга қўйиш олдидан бу молларнинг ҳар бири ўртача 211 килограммдан эди. Гўштга топширилиш вақтида эса 333 килограммданни ташкил қилди. Чорвадорлар гўшт топшириш бўйича квартал планини муддатидан анча илгари бажардилар.

Чорва молларини семиртириш ҳисобига гўшт маҳсулотларини кўпайтириш ишлари Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳам яхши ташкил қилинган. Бу ерда аввал 48 бош қорамол семиртиришга ажратилган эди. Яқинда шуларнинг 32 боши гўштга топширилди ва белгиланган квартал плани ортиғи билан бажарилди.

С. МИРЗАЛИЕВ, А. ЛАТИПОВ, И. САПОҚОВ, Т. РАСУЛЕВ, М. ХЎЖАЕВ.

Сунъий урчитишнинг афзаллиги

Чорва маҳсулдорлигини оширишда қорамол зотларини саралаш ва уларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Етти йилликнинг дастлабки йилида Қуйи Чирчиқ район чорвадорлари биринчи марта сунъий урчитиш усулидан фойдаланиб, яхши натижаларга эришдилар. 1000 бош қўйни сунъий урчитиб соғлом қўзилар олишди. Димитров номли колхоз чорвадорлари сигирларни шу усулда урчитиб, 600 бош наслдор бузоқ олдилар. Ўтган йили районда қўйлар урчитиладиган 2 та, сигирлар сунъий урчитиладиган 5 та пункт ташкил этилди. Булар ишга туширилиши туфайли райондаги кўпгина колхоз ўз пунктига эга бўлади. Колхозлар давлат томонидан сунъий урчитиш пунктлари учун зарур бўлган химикат ва турли асбоб-ускуналар билан таъминланади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси қошида очилган қисқа курсда 7 киши ўқиб сунъий урчитиш йўлларини ўрганиб келди. Ҳозир улар чорвадорлар орасида намунали ишлар олиб бормоқдалар.


Ч. ИБРОЕВ.

СИЗ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИНГИЗ?

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида 10 мартгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Районлар номи	Гўшт	Сут	Тухум
Оққўрғон	24,1	13,8	65,8
Бекобод	20,8	20,3	49,9
Бўстонлиқ	15,6	16,1	23,5
Бўка	12,0	11,1	38,8
Юқори Чирчиқ	19,8	16,9	29,4
Гулистон	18,9	16,2	24,7
Калинин	21,1	19,8	22,6
Қуйи Чирчиқ	26,1	17,2	59,2
Оржоникидзе	24,4	15,6	32,0
Пискент	17,0	13,1	18,6
Урта Чирчиқ	17,5	16,9	31,0
Сирдарё	22,2	16,1	31,5
Чиноз	23,7	22,2	41,4
Янгиўл	22,5	16,4	16,3
Олмалиқ шаҳри	15,2	16,4	36,7
Оҳангарон шаҳри	30,3	—	60,0
Янгиер шаҳри	22,6	17,9	38,0
«Узглавснаб» шаҳар базаси	11,8	—	—



Ерда нормаль нам тўплаш чигитни ўз вақтида бир текисда униб чиқишида катта аҳамиятга эга. Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзолари агрономлар маслаҳатига кўра пахта майдонларини молалаб, бороналамоқдалар. Суратда: ерни бороналаш пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Бунга бефарқ қараб бўлмайди

Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1959 йил 24 апрелда республика колхозларида техника хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида чиқарган қарорида ҳар бир колхозда техника хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда механизатор кадрларга намунали иш шароити яратилган ва техника хавфсизлиги таъминланган. Колхоз устахонасида токарлик, темирчилик, электр пайванд станоклари бор. Булар айрим хоналарга жойлаштирилган. Запас қисмлар ҳам махсус хонада сақланади. Устахонада ишловчилар иш кийимлари бошқа зарур нарсалар билан таъминланган. Ишхонада ишлаб чиқариш гигиенасига жуда катта аътибор берилади.

Бироқ кўпчилик колхозларда механизатор кадрларнинг иш шароитини яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш масаласига етарли аътибор берилмаётир. Масалан, Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозида бу соҳада дурустроқ бир иш қилинмаган. Давлатдан сотиб олинган, колхоз ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда кўп машиналар хўжасизлик натижасида очиқ-чочиқ, занг босиб ётибди. Колхоз устахонасида техникадан, электр энергиясидан фойдаланишда техника хавфсизлигига мутлақо риоя қилинмайди. Устахонадаги токарлик, пармалаш, чархлаш, темирчилик станокларига, вентиляторга ва электр установкаларига энергия махсус симлар орқали туширилмаган.

Шу йил январь ойида ўтказилган текширишда бу камчиликлар аниқланиб, колхоз раиси ўртоқ Мирахмедовга ҳам, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Эргашевга ҳам маълум қилинган эди. Лекин яқинда текширилганда колхоз раҳбарлари бу камчиликларни тузатиш соҳасида ҳеч бир иш қилмаганлари маълум бўлди. Механизатор кадрларга қулай меҳнат шароити яратиб беришга бундай масъулиятсизлик билан қараш мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз устахонасида ҳам техника хавфсизлигига аътибор берилмайди. Электр симлари жуда эскириб кетган. Уни капитал ремонт қилиш лозим. Циркул арра, чархлаш станогини ҳаракатга келтирадиган қайишлар атрофи ўралмаган. Электр пайвандчилар махсус резинка қўлқоплар билан таъминланмаган. Устахонада ҳеч қандай дори-дармон йўқ.

РТСлардаги техника назорат инспекторларига колхозларда техника хавфсизлигини назорат қилиш вазифаси топширилган бўлсада, улар бу вазифани тўла бажармаётирлар.

Меҳнат шароитини яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш гигиенасини яхши йўлга қўйиш механизатор кадрларнинг бехатар ва унумли ишлашларини таъминлайди.

А. ХАТАМОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари советининг техника инструктори.

Бўрдоқига боқмоқдалар

Қўйларни, чўчқа ва қорамолларни бўрдоқи қилиб боқиш гўшт маҳсулотларини кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Калинин районидаги Сталин номли колхоз чорвадорлари ана шу соҳага катта аътибор бермоқдалар. Бу хўжаликда 50 бош чўчқа, 60 бош қорамол етарли озуқа билан таъминланиб, семиртириб боқилмоқда. Шу кунгача 30 бошдан ортиқ қорамол 400—450 килограммлик вазнда гўштга топширилди.

— Ҳар бир чўчқани, — дейди чўчқабоқар ўртоқ Н. Дивиев,— 100 килограммдан оширмасдан семиртиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз колхозимиз бўйича гўшт топшириш икки йиллик планини бир йилда бажариш учун аҳд қилганмиз. Ҳозир бутун эътиборимиз ана шунга қаратилган.

Райондаги генерал Собир Раҳимов номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Генерал Собир Раҳимов номли колхозда Василий Гришин ва Анастасина Парпиянова ўртоқлар чўчқабоқар бўлиб ишламоқдалар. Улар ҳозир мавжуд бўлган 180 бош чўчқа сонини йил охиригача икки баравар кўпайтириш учун курашмоқдалар. Шунингдек давлатга камида 20 тонна чўчқа гўшти топшириш учун уларни бўрдоқи қилиб боқмоқдалар.

К. ШУКУРОВА,
Х. ТУРДИЕВА.

Чет эллардa

„Китоб магазинларининг витриналарида биринчи ўринда"

ПАРИЖ, (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг биографияси Францияда 100 минг нусхада босилиб чиқди. Китоб чиройлик қилиб безатилган. Унда 45 фотосурат бўлиб, бу суратлар Францияда биринчи марта босиб чиқарилмоқда. Кейинги вақтда Францияда Совет Иттифоқи ва Совет ҳукуматининг бошлиғига бағишланган кўпгина хилма-хил китоблар босилиб чиқди. Бу нарса Н. С. Хрушчевнинг визити арафасида Совет Иттифоқига бўлган қизиқиш тобора ўсаётганлигидан далолат бериб турибди.

Хитойнинг кўмир саноати юксалишда

ПЕКИН, 11 март. (ТАСС). Йил бошидан буён Хитойнинг кўмир саноатида юксалиш юз бераётганлиги сезилмоқда. Кўпгина йирик шахталар январь ва февраль ойлари ишлаб чиқариш планларини ошириб бажардилар.

Синьхуа агентлиги билдиради: Фушунь, Фусинь, Кайлуань, Цяоцзо, Хэби ва Цзинси кўмир ҳавзаларининг шахталари февраль ойи планларини 106—140 процент қилиб бажардилар. Хитойнинг учта энг йирик кўмир конида, яъни Фушунь, Кайлуань, Фусинь конларида шу йилнинг дастлабки икки ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тахминан 40 процент кўп кўмир қазиб чиқарилди.

Хитой шахталарида техника революцияси учун бошланган ҳаракат бу йил кўмир қазиб чиқаришни тўхтовсиз ўстиришнинг муҳим факторларидан биридир.

Индонезия олий маслаҳат кенгашининг сессияси

ЖАКАРТА, 11 март. (ТАСС). Бу ерда Индонезия олий маслаҳат кенгашининг сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия мамлакатда ер ислоҳоти ўтказиш тўғрисидаги таклифларни муҳокама қилди. Сессия кенгаш раиси президент Сукарно ва раис ўринбосари Руслан Абдулғани раҳбарлигида ўтди.

Абдулғани бундай деди: Индонезияда ўтказиладиган ер ислоҳоти ажнабийларнинг ерга бўлган барча ҳуқуқларини, шу жумладан концессияларни тугатишга, қишлоқлардаги феодал эксплуатациясини йўқотишга, Индонезиядаги барча гражданларнинг ва хусусан деҳқонларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган.

Ер ислоҳотини амалга ошириш, — деди Абдулғани,— Индонезия революциясининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Абдулғани ер ислоҳотининг асосий низомлари ишлаб чиқилганлигини ва ер ислоҳоти ўтказилиши кейинчалик мамлакатни индустрлаштириш ва Ява аҳолисини бошқа оролларга кўчириш билан боғлиқ бўлади, деди.

Ирқчилик қонуни амалда

НЬЮ-ЙОРК, 11 март. (ТАСС). Рангли танлиларнинг оқ танлилар ичида яшашга ҳақлари йўқ. Ана шу ирқчилик қонунига биноан, Жанубий Африка Иттифоқи маъмурлари кеча Растенберг (Трансвааль) шаҳридаги ҳинд аҳолисининг ҳаммасини шаҳардан ташқарига чиқариб юбориш тўғрисида буйруқ бердилар.

Жанубий Африка Иттифоқи ҳукуматининг ана шу янги ирқчилик ҳуружи ҳақида хабар бериб, Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири шуни уқтириб ўтадики, маъмурларнинг фармойишига мувофиқ, ҳиндлардан бир мингдан кўпроқ киши шаҳардан чиқиб кетишлари лозим. Улардан кўпчилиги ана шу шаҳарда 1887 йилдан буён яшамоқдалар ва ишламоқдалар.

Ҳинд аҳолисининг ана шу ғабошимчаликка қарши билдирган норозиликларига жавобан шаҳар мэрининг ўринбосари сурбетларча бундай деди: «Қонун-қоидаларимга қолади. Ҳиндлар шаҳарда қола олмайдилар, чунки улар оқ танлилар орасида қолган».

Жанубий Вьетнамда террор

Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Ўтган йилнинг иккинчи ярмида Нго Динь Дьем қўшинларининг Куанг-Нгай вилоятида қилган террорчилик хужумлари натижасида қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг собиқ қатнашчиларидан 130 киши ўлдирилган ва 400 киши қамоққа олинган.

500 қишлоқ вайрон қилинган, 2000 га яқин уй ёндирилган, кўп чорва моллар ҳайдаб олиб кетилган ва жуда кўп озиқ-овқат нобуд қилинган.

Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамдаги кузатиш ва контроль халқаро комиссиясига хат юборди ва бу хатда Жанубий Вьетнам маъмурларининг террор ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирди.

Кўп ўтмай секретарь хотин кийиниб чиқиб кетди, шунинг учун Егор Пахомов, Ленининг танаффус вақти бўлди шекилли, деб ўйлади.

Орадан беш минутча вақт ўтди. Аммо бу — Егор Пахомовга худди ярим соатдек бўлиб туюлди. Сўнг у чидаёлмай ўрнидан турди, лекин, қоққан қозиқдай сўппайиб туришим яхши бўлмас, деб ўйлаб, яна ўтирди. Бироқ, орадан тағин бир минут ўтар-ўтмас у яна қандай дақиқадир бир ҳолатга тушиб қолди. Ўртоқ Ленин! — деди ҳаяжон билан Пахомов, сўнг ўрнидан сакраб турибоқ, гўё худди шу тобдагина эслагандай, шоша-пиша нон халтасини титкилай бошлади: — Бу нима деган гап ахир?.. Ё Бузрук Никола! Ё Авлиё Егорний!

У халтасидан латтага ўралган чўчқа мойи, катта бир бўлак нон ва қоғозга ўралган туз билан нўш пиёз олди.

— Ўртоқ Ленин! — деди сидқидилдик билан Пахомов, бу нарсаларни стол устидаги бўш қозонча ёнига қўяр экан. — Ҳазар қилманг!

— Йўқ, йўқ! Раҳмат! — деди Владимир Ильич қатъий. — Мен қорнимни тўйгазиб олдим.

— Ўртоқ Ленин! — деди яна Егор Пахомов боягидек, сидқидилдик билан. — Ахир, сиздек одамнинг ёғсиз шавла еб ўтириши — ҳеч ақлга сиғмайдиган иш! Агар мен мужикларга сизнинг ёғсиз шавла еб, ўзимнинг эса чўчқа мойи еганимни айтиб берсам — улар менинг бу ёруғ дунёда жонимни кўзимга кўрсатишади-ку!..

— Хайр, агар шундай бўлса, — деди Ленин, — озгина кесинг. Сизни маломатдан қутқариш учун.

Егор Пахомов ўрокдан қилинган ёғоч сопли, худди устарадек ўткир пичоғини олиб, мойдан кесди.

Владимир Ильич мой билан ҳиди келиб турган жавдари бўғдой нонидан еяётиб шундай деди:

— Жуда яхши мой экан! Жуда яхши нон экан! Бунақасини кўпдан бери емагандим... Демак, турмушларинг яхши экан-да? Хўш, кишлоқдагиларнинг руҳи қалай? Декрет тўғрисида деҳқонлар нима дейишяпти?

Ер тўғрисидаги декрет Ленин томонидан бундан бир неча кун олдин ёзилган эди... Ишчилар ва солдатлар Қишки саройни қўлга олгандан кейин, Владимир Ильич Ишчи-деҳқон депутатлари Петроград Советининг йиғилишига келиб, шу ерда у кишилик тарихида биринчи марта социалистик инқилобининг ғалаба қозонганини эълон қилди, шундан сўнг, узлуксиз равишда йиғирма соат қаттиқ ва босим ишлаб, асабларни ва миясини чарчаган Владимир Ильич бир оз дам олиш учун Бонч-Бруевичнинг уйига жўнади. Бироқ уй эгаларига халал бермаслик учун уларнинг ётишини кутди, улар ухлаб қолгач, яна ёзув столига ўтирди... У нималарнидир ёза бошлади, ўчирди, яна ёзди... Фақат тонг ёриша бошлаб, дераздан Петроград кузининг сўнгги, кулранг эртаси мўралай бошлагандагина Владимир Ильич ухлаш учун ётди.

Эрталаб нонушта вақтида у яхшилаб оққа қўчириб ёзилган қўл ёзмани чўнтагидан олди ва бу «Ер тўғрисида декрет»ни товушини чиқариб ўқиб берди.

Декрет шу куни кечқурун Советларнинг Иккинчи Бутун Россия съезди томонидан қабул қилинди ва газеталарда босилиб чиқди ҳамда алоҳида китобча қилиб нашр қилинди.

Мана энди эса Владимир Ильич декретнинг жойларда қандай кутиб олинганлигини билиши керак.

Владимир Ильич савол берди-да, бошини бир ёнига эгиб, эшитишга шайланиб турди.

— Хўш, декрет тўғрисида нима деяпсизлар?

— Ў-ў-ў! — деди Пахомов, Владимир Ильичга, ҳаяжонданми, қўрқувданми чўзиб, — Умримизда ҳеч бунақа алғов-далғовни кўрмаган эдик!

— Демак, қишлоқни ҳаракатга келтирибди-да? — деб сўради Ленин.

— Э-э, нимасини айтасиз! Худди арининг уясидек гувиллашиб қолишди! Ҳозир, кўча-кўйларимизда ҳаёт қайнаган — тўп-тўп бўлишиб олиб, тортишганлари-тортишган.

— Нималар тўғрисида тортишишади?—деб сўради дарров Ленин ва Пахомовнинг кўзига тик қараб.

— Кўп нарсалар тўғрисида, ўртоқ Ленин, — деб жавоб берди у, кейин саналб кетди: — Ернинг ҳаммаси тортиб олинадими ёки бир қисмими...

— Ҳаммаси, ҳаммаси! — деди кескин тусда Владимир Ильич, қўлини сочиққа артиб, иш столига ўтиб ўтирар экан, — ҳаммаси! Ҳатто бир қаричигача қолдирмасдан! Яна нималар тўғрисида тортишишади?

— Ҳеч қанақа ҳақ тўланмайдими ёки жаноблар очдан ўлмаслиги учун...

— Ҳеч қанақа ҳақ тўланмайди! — деди Ленин. — Ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳеч қанақа ҳақ тўланмасдан бекор қилинди! Ер энди дақиқатан кимга тегишли бўлса, шунинг қўлига ўтади. Яна нималар тўғрисида тортишишади!

— Тўғрисини айтганда, — деб гапида давом этди Пахомов, афтидан, унинг асосий мақсадга энди ўтаётгани кўриниб турарди — яна баъзи бир нарсалар устида тортишишади.

— Хўш, нима тўғрисида экан?

Пахомов нафасини ростлаб олиб, қулоғини, бурнининг учини ушлаб силаб қўйди-да, қатъий, гапига алоҳида маъно бериб, дона-дона қилиб гапирди.

— Мужиклар шу ерни деб тагин белимизни синдиришмасмикин, шунақа бўлса, яна бир умр қадимизни тиклолмай қолмайлик, деб шубҳаланишяпти!

Ленин жиддий тусга кирди.

— Хўш, хўш! — деди у. — Бу гаплар қаердан чиқди?

Пахомов, ким билади дейсиз, дегандек, қўлларини ёзиб қўйди.

— Бошқа гаплардек, бу гапларнинг ҳам сабаби бор, — деб давом этди Ленин.

— Анча хавфлироқ иш! — деди унга Егор Пахомов.

— Хавфлироқ! — деди Ленин унинг фикрига қўшилиб. — Тушунаман! Лекин, энг муҳими нима? Кимдан қўрқасизлар? Нимаси хавфлироқ?

Егор Пахомов жавоб бермади.

— Ахир, помешчиклар билан ибодатхоналар асрлар бўйи ўзлари эгалик қилиб келган ердан осонликча ажрашми истайди, дейсизми? — деб сўради Ленин. — Албатта йўқ-да! Шу сабабдан ҳам монахлар, помешчиклар ўз одамлари орқали кишиларнинг белини синдириш, қалдини букиш тўғрисида дўқ уриб қўрқитадилар! Аммо, ким кимнинг белини синдиради — масала шунда?

— Топилади-да, шундайлар, ўртоқ Ленин, — деди Пахомов.

— Шундайлар топилади, — деб қўшилди унинг гапига Ленин. — Лекин сизлар шундайларга, қани кела қол, деб индамасдан турмасаларингиз керак, деб ўйлайман!

— Бизлар-ку, шундай қилмаймиз-а, ўртоқ Ленин, — деди Пахомов жиддий тусда. — Бироқ, баъзи бировларнинг қўлларида ҳали ҳам бўлса қучи бор-да...

— Душманларимиздами? — деди Ленин унинг фикрини илиб олиб.

— Душманларимизда... — деб қўшилди унга Егор Пахомов.

— Ҳа-ҳа! — деб хитоб қилди Ленин. — Совет ҳокимияти мустаҳкамми, бардош бера оладими? Гап шундоғми? Тушунарли! Ерни олишга оламиз-у, сўнг янги ҳокимият ағдарилиб, большевиклар билан комиссарлар дуч келган томонга қочиб қолишса, ўзбошимчалик қилган мужикларнинг ҳоли нима кечади!.. Тушунарли! — Ленин стол орқасидан бу ёққа чиқиб, Пахомовнинг олдига келди, шундай деди: — Гарчи Совет ҳокимиятига қарши бутун дунё капиталистлари ёпирилиб ҳужум қилса ҳам, уни ҳеч ким, ҳеч қачон енгга олмайди! Совет ҳокимиятининг ҳаёт-мамоти биз ҳаммамизга, шунингдек, сизларга ҳам боғлиқ, ўртоқ Пахомов!

Ленининг кейинги сўзлари Егор Пахомовни ўйга толдириб қўйди.

— Нима учун энди бизга боғлиқ, ўртоқ Ленин? — деб сўради у.

— Шунинг учунки, мана, масалан, сизни олайлик, — деди Ленин жиддий равишда.— Сизнинг эганингиз — мой, эзло даражадаги нон, хўш энди, ишчилар, солдатлар, матрослар олимларчи — ким билади, уларнинг нима еб тирикчилик қилишаётганини! Ҳа-ҳа, худди шундай!

Егор Пахомов бошини қуйи солиб жим қолди... Ахир, дақиқатан ҳам турмушлари жилла ҳунчалик яхши эмас-ку, лекин умуман олганда... Шаҳар билан тенглаштириб бўлмайди., Ў ўз креслосига томон бораётган Ленинга қаради-да, секин деди:

— Фикримча, мужиклар ишчиларга ғалла тўплаб бериши керак... Тўплашади..

— Мана бу бошқа гап! — деди Ленин. — Биз сиз билан жуда хайрли ишни ўйлаб топдик, ўртоқ Пахомов! Кутинглар, ишчилардан вакиллар юборамиз!

Кейин у қоғозга бир нималарни ёзиб қўйди, чамаси, ҳозиргина топилган бу яхши фикрни ҳамма ерда амалга оширишмоқчи эди.

— Жуда соз! Жуда соз, ўртоқ Пахомов! — деди Ленин ва қулиб туриб сўради: — Шундай қилиб, энди, ер масаласи нима бўлди? Демак, хавфлироқ бўлса, ер олмас экансизлар-да?

Егор Пахомов у ён-бу ёнига қараб олиб, хотиржам ва вазмин жавоб берди:

— Олишга-ку, бирпасдаёқ барини тортиб олиб, бўлишиб олдиг-а!

Ўртага бир лаҳза жимлик чўкди, кейин бирдан қаттиқ қаҳқаҳа янгради. Ленин бошини орқага ташлаб, бармоқларини қамзулининг ўмизига тиқиб, қотиб-қотиб кулар эди. У бир оз кулгидан тўхтади-ю, лекин Пахомовнинг жавоби эсига тушиб, яна боягидек қаттиқ ҳоҳолаб кулди.

— Аллақачон тортиб олиб, ҳатто бўлишиб ҳам олдик, денг! — деб у ҳамон қаттиқ кулгидан тўхтамай сўрарди. — Бирпасдаёқ тортиб олдинглар! Яна ҳаммасини! Хўш, хўш, хўш! Энди яна шубҳаланяпсизларми?

Ленин яна шарақлаб кула бошлади.

— Мана, энди шубҳаланмасак ҳам бўлади, — деди Пахомов хаёсини йиғиштириб энди. — Бироқ ўртоқ Ленин, яна бир савол бор.

— Яна қандай савол? Қани, марҳамат. Эҳтимол, бу энг асосий саволдир — деб сўради Владимир Ильич. Ленин бу саволни аллақандай бир мамнуният билан сўради: афтидан, олдиндан сезилган бу оғир, «мушкул» муаммога жавоб бериш — унга ҳар қалай ёқимли туюлса керак.

— Ҳа, шунақа бўлса керак, — деди Пахомов хаёлини тўплаб.

— Қани, бўлмаса, энг муҳимини айтинг!

— Мана сиз, ташвишланманглар, дейсиз, — деб гап бошлади Пахомов, — Ахир, ҳокимият — бу умрбод нарса. Шундай бўлгандан кейин, ҳар ҳолда, мени афв этарсиз, бу энди қанақа ҳокимият бўлди: биттасининг ҳатто столи ҳам йўқ, кечирасиз — комиссарининг бошида бор бўлса, оёғида йўқ, бошқасининг эса — егани ёғсиз шавла...

— ... Бунинг устига яна бошида сочи йўқ! — деб кулди Ленин Пахомовнинг гапига қўшимча қилиб.

Пахомов кўзини ундан олиб, одоб юзасидан бир оз жим турғач, яна гапирди:

— ...Егани ёғсиз шавла-ю, бутун Россияни бошқаради. Бу қанақа ҳокимият бўлди энди?

— Мана, масалан, сизни Советларга сайлади, дейлик, — деди Ленин унга. — Кўрибсизки, ўртоқ Пахомов, ҳокимият — оёғига чипта кавуш, эгнига эски чакмон кийган, кечирасиз, белини чилвир билан боғлаб олган киши қўлида-да! Хўш, бу энди қанақа ҳокимият бўлади? Ўзимизники! Халқники!

Кабинетга шахдам қадам ташлаб, батартиб, қотма ва новчадан келган чўққи соқол, пешонаси кенг бир одам кириб келди.

— Ўртоқ Дзержинский... Феликс Эдмундович, — деб унга мурожаат қилди ҳамон чеҳрасидан кулги аримаган Ленин, — бу киши — ўртоқ Пахомов, деҳқон... Ерни олишга қўрқамиз, белимизни синдиришмасин тағин, дейди... Мен бу ўртоққа Совет ҳокимиятининг абадийлигини тушунтираяпман, бу ўртоқ бўлса — ҳокимиятларингизнинг салобати йўқ, дейди. Ерни бўлса — аллақачон ҳаммасини тақсимлаб олишибди!

Владимир Ильич яна қулиб юборди-да, Дзержинскийга қўл узатди.

— Бунга нима дейсиз, а? — деб сўради у. — Жуда катта куч ҳаракатга келган, борди-ю, бирталаримтз англашилмовчилик орқасида унинг йўлига кўндаланг турса — босиб, ер билан яксон қилиб ўтиб кетса керак, дейман!

Ленин Егор Пахомовни эшикка қузатиб борди-да, унинг қўлини сиқиб хайрлашди, эшик ёпилгач, у Дзержинскийнинг олдига қайтиб келди.

Егор Пахомов Ленининг олдидан чиқиб, қабулхонада тўхтади. У, қулимсираб «ҳмм» деди-да, у ёқ-бу ёққа қаради, кейин усти-бошини кўздан кечира бошлади... Чориқ... Этаги тўзиган эски чакмон... чилвир...

«Мен ҳам ҳокимият эгаси-маъ!» — деб ўйлади кулиб.

— Қалай? — деб сўради секретарь хотин. Ишларингиз битган бўлса керак, дейман?

— Энди комиссарнинг олдига бир кириб чиқишим керак, — деди паришонхотир бўлиб Егор Пахомов.

— Нима? — деди ажабланган секретари, — Ленин ҳам сизни қаноатлантира олмадими?

Пахомов Халқ Комиссари муовини ҳам унга ер тўғрисида худди Ленин айтган гапларнинг ўзини гапирганини, лекин у бирининг гапига ишониб, иккинчисининг гапига ишонмаганини ўйлар экан:

— Қаноатлантирди.. Бироқ, комиссар билан ўртамизда яхши иш бўлмади, —деб жавоб берди.

Пахомов кирганда Халқ Комиссари муовини янги столда ўтирган эди, чамаси энди унинг жойи ўзгармайдиганга ўхшарди — муовин стол тортмаларини кўздан кечириб, уларга китоблари, қоғозларини жойламоқда эди.

Егор Пахомов унга қўл узатиб:

— Мен энди кетяпман... Сизга катта раҳмат, ўртоқ — деди.

— Ие, биз хайрлашган эдикку, — деди муовин ўрнидан туриб.

— Ҳа, хайрлашган эдик, — деди ,унинг гапини маъқуллаб Егор Пахомов. — Энди, яна хайрлашамиз.

Муовин унга қўл узатар экан, Пахомов миннатдорлик билдириб, унинг қўлини қаттиқ сиқиб қўйди.

Саидаҳмад ХУДОЙБЕРГАНОВ
таржимаси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
3-БЕТ, 13 МАРТ, 1960 ЙИЛ.



Пойтахтимизда болалар соғлиғини сақлашга хизмат қиладиган медицина муассасалари тобора кўпаймоқда, уларда даволаш-профилактика ишлари сифати яхшиланмоқда. Яқинда Куйбишев районидаги Роза Люксембург номли болалар шифохонаси ҳузурида 14-болалар консультацияси очилди. Янги бинога жойлашган бу медицина муассасаси хизматидан шу районда яшовчи ёш болали оналар мамнун бўлмоқдалар. Суратда: болалар консультацияси врачи А. Зикас ва ҳамшира М. Иўлдошева ўртоқлар консультацияга олиб келинган боланинг соғлиғини текширмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

АПРЕЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

«Ўзбекуголь» комбинатига қарашли кўмир корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг иккинчи йили учун олинган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар.

Ленин кунлари олдидан меҳнат вахтасида туриб ишлаётган 9-шахтанинг кончилари февраль ойи кўмир қазиб чиқариш планини муддатидан 2 кун олдин ошириб бажардилар ва пландан ташқари 4 эшелондан ортиқ ёқилғи қазиб чиқардилар. Шахтанинг Бойматов, Қосимов, Калькулов сингари новаторбойчилари март ойи топшириғини бажариб, шу кунларда апрель ойи ҳисобига кўмир қазиб чиқараётирлар.

ҲАВАСКОРЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИ

«Горняк» клуби ҳузурида ташкил этилган ўзбек бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг кўпчилигини бинокорлар, шахтёрлар ва транспортчилар ташкил этади. Ўртоқ М. Тўхтахўжаев бошлиқ бу тўгарак қатнашчилари улуғ доҳи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб, янги программада концерт тайёрламоқдалар. Ҳаваскорлардан И. Маматов, С. Рўзибоев сингари ёшлар ўзбекча, хоразмча, тожикча ашулаларни ўрганаётирлар.

И. АҲМЕДОВ.



Тошкентдаги 3-босмахона ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллик юбилейига атаб ҳар хил китоб ва брошюралар чиқармоқдалар. Суратда: босмахона контролери Ўртоқ К. Юсупова тайёр китоблар сифатини кўздан кечирмоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

15 мартда лотерея ўйналади

Республикамизда 1960 йилда 48 миллион сўм миқдорида пул-буюм лотереяси чиқаришга қарор қилинган эди. Тиражи тўрт марта ўтказиладиган бу йилги лотерея билетларининг ютуқлар суммаси 24 миллион сўм қилиб белгиланган.

Биринчи навбат чиқарилган лотерея билетларининг ютуқлар тиражи шу йил 15 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Кишиларни ҳаяжонлантирадиган барабанлар яна айланади.

Тошкент области меҳнаткашлари шартлари янгича бўлган бу йилги пул-буюм лотереясидан ихтиёрий равишда кўплаб сотиб олдилар. Область бўйича 1 миллион 912 минг сўмлик лотерея билетлари тарқатилди. Шу жумладан Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари 180 минг сўмлик, Гулистон районининг пахтакорлари 105 минг сўмлик, металлурглар шаҳри — Бекобод аҳолиси 75 минг сўмлик, янгийўлликлар 168 минг сўмлик, Оҳангарон шахтёрлари 135 минг сўмлик лотерея билетлари сотиб олдилар. Ҳозир иккинчи навбат чиқарилган лотерея билетлари сотила бошлади.

Биринчи ютуқлар тиражида 6 миллион сўмлик 210 минг та ютуқ бўлади. Шулардан 11 мингтаси буюм ютуқлари ва 199 мингтаси пул ютуқларидир.

Буюм ютуқлари орасида 2 та «Волга» ва 4 та «Москвич» енгил автомашиналари, 2 та бир квартирали тўрт хонали уй, 24 та мотоцикл ва мотороллер, 15 та пианино, 20 та телевизор, 34 та кир ювиш машинаси, 250 та холодильник, 251 та тикув машинаси, 250 та гилам, 845 та олтин ва олтин суви югуртирилган корпусли эркаклар ва аёллар қўл соатлари ва бошқа қимматли буюмлар, кийимликлар бор.

Лотерея билетларига чиққан ютуқларни омонат кассалари ва савдо ташкилотларидан олинади.

М. СУЛТОНОВ.

ШАХМАТ

Республика биринчилиги учун

Ўзбекистон ССР биринчилиги учун бўлаётган ярим финал мусобақанинг 6-турида Бирбрагер-Елистратов учрашуви ҳамманинг диққат марказида бўлди. Қора доналарда ўйнаган Елистратов сицилианча ҳимояни қўлланди. Бироқ дебютда ўйинни баравар қилишга муваффақ бўлолмади. Бирбрагер усталик билан позицион устунликка эга бўлди ва партияни ютди. Базикин Лазарев устидан ғалаба қозониб, мусобақада биринчи ютуқни қўлга киритди. Бударин Ильязовани, Сорокин Шиваревни ютди. Юсупов-Горев учрашуви дуранг бўлди. Неверов-Надеждин, Элбеков-Мухин ўйинлари эса, кечиктирилди.

Олдинги турларда кечиктирилган партиялар давом эттирилганда Горев Ильязовани мағлубиятга учратди; Шиварев-Елистратов, Сорокин-Бирбрагер, Шиварев-Лазарев партиялари дуранг бўлиб тугади. 6 турдан кейин Бирбрагер беш имкониятдан 4,5 очкони қўлга киритиб пешқадамлик қилмоқда.

У. ЭЛБЕКОВ,
мастерликка кандидат.

Бўлажак пазандалар практикада

Тошкентдаги савдо-кулинария техникумининг умумий овқатланиш корхоналари учун техник-технологлар тайёрлаш бўлимида таълим олаётган 4-курс студентлари яқинда навбатдаги ишлаб чиқариш практикасини бошладилар. Бўлажак пазандалардан 55 киши пойтахтдаги «Тошкент», «Баҳор», «Шарқ», «Аэропорт» каби ресторанларда ишлаб чиқариш практикасини ўтмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

Завод ҳаваскорлари қурувчилар хизматида

Тошкент область комсомол комитети илтимоси билан Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонт заводининг 13 кишидан иборат ҳаваскорлари Оҳангарон шаҳри қурувчилари ҳузурига бордилар. Улар бу ерда икки кун бўлиб, шаҳарнинг ёш қурувчиларига қизиқарли программада концертлар кўрсатдилар. Тўғарак аъзолари концертда ўзбек, рус, украин ва бошқа халқларнинг миллий ашула ҳамда рақсларини маҳорат билан ижро этиб, қурувчиларни мамнун қилдилар.

Оҳангарон шаҳар партия комитети ва шаҳар комсомол комитети бу кўрсатилган маданий хизмат учун ҳаваскорлар коллективига самимий миннатдорчилик билдирди.

Ж. МАҲМУДОВ.

Студентлар дружинаси

Тошкент Давлат медицина институти студентларининг кўнгилли дружинаси самарали ишлаётир.

Дружина ўтган йили март ойида ташкил этилган эди. Ўтган бир йил мобайнида дружиначилар кўпгина тартиббузарларни ушлаб, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашдилар. Шу билан бирга улар шаҳардаги айрим жойларда антисанитария ҳолатларини тугатишга, Куйбишев райони территориясини озода тутишга ҳам кўмаклашмоқдалар.

Студентлардан А. Султонов, Б. Полвонов, В. Строганов, Д. Матчонов, Т. Худойберганов ва бошқалар дружина ишида актив қатнашиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

А. КИМ.



ЮРТ-ЮРТ КЛМОК

Юрак ўйноқи „бўйдоқ“

Магазин прилавкасига энгагини тираб ўтирган Исроил кўчадан кириб келаётган бир қизга кўзи тушиб, беихтиёр қўшиқ айтиб юборди.

Оҳ дедим, овора бўлдим
Ул ёра билмайдир ҳануз.
Елбориб боқсамки ҳам
Дилдора билмайдир ҳануз...

— Нималарни айтиб, алжираяпсиз, — деди қиз қовоғини солиб.

— Э, синглим бунақа дўқ урманг, юрагим ўйнаб кетди. Истаган нарсангизни олиб берай... Нима керак. Пулини ўзим тўлайман?!

— Тошингизни теринг, — деди қиз аччиғланиб.

— Ортиғой, ўзингиздан ўтар гап йўқ, бўйдоқчиликда, кўнглимга ёқиб қолдингиз. Сизни кўрдиму юрагим ўйнаб кетиб, эсимни ҳам йўқотдим, — деб гап бошлади Исроил тулкидай бураліб.

— Келинойим борлар деб эшитгандим-ку деб ажаблэнди Ортиғой.

— Йўғ-е туҳмат! Биринчи марта сизга кўз қири билан қарашим,— деб жоврайкетди Исроил бўзарган ҳолда, — агар хоҳишингиз бўлса...

— Унақанги куракда турмайдиган гапларингизни қўйинг-деди Ортиғой. Лекин, Исроил у ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам Ортиғойнинг йўлини тўсаверіб, ўзининг чиппа-чин бўйдоқлигига ишонтирди. Ишқ-муҳаббат тўғрисида минг бир хил лоф қилиб, охири унга уйланиб олди.

Бу воқеа 1956 йили бўлиб ўтган эди. Орадан бир йил ўтгач, Исроил «Ёр деган кўнгил хуши, кўп ёр керакдир йигитга» деган қўшиқни айтадиган бўлиб қолди. Охири Ортиғойни бир боласи билан «аввалги хотинимдай, сен ҳам овқат қилишни билмайсан, қўлинг бемаза экан» деган баҳонани қилиб, уйидан чиқариб юборди. Шундан кейин Исроилнинг юраги тўқовоққа ҳамалган бедананинг типирлашидай, тез-тез ўйнайдиган бўлиб қолди. Биров кўз сузмаса ҳам кўчакўйларда у ип узиб, ошиқи-беқарор бўлаверди. Ҳаркимларнинг йўлига тузоқ қўяверди. Хуллас, у ўз тузоғига 17 ёшли Ҳосилойни илинтирди. «Аъло сорт» бўйдоқнинг иккі хотини олиб, уларнинг «паттасини» қўлига тутқазганидан бехабар бўлган Ҳосилой ўзининг илк умрдоши Исроилга чин кўнгилдан ишонди. Бир йил ўтгач, ўғил ҳам туғиб берди. Исмини Абдуазим қўйишди. Абдуазим уч яшар бўлганида Исроил Гулистон районидаги «Социализм» совхозидаги ишчилар кооперацияси магазинига мудир бўлиб тайинланди. Ҳосилой тўсатдан оғир касал бўлиб, касалхонага кетди. Пайтдан фойдаланган Исроил ўғлини қайнотасиникига жўнатиб, ўзини яна умрида ҳеч уйланмаган, «аъло сорт» бўйдоқ деб эълон қилди. Ўша ерли Хадича исмли қиз унинг юрагини қинидан чиқариб юбораёзди. Унинг уйига кетма-кет совчи юборди.

«Ойнадек сувни кўрсам,
Этигимни ечамай.
Янги ёр турганида
Эскисидан кечаман»

деган ҳиргойини ёдлаб олди. Дард билан олишиб ётган хотинидан ҳол-аҳвол сўраш ўрнига касалхонага бориб, уни «уч талоқсан» деб юборди.

— Гуноҳим нима! — деди хотини ёстиқдан бошини кўтариб.

— Гуноҳинг, мендан бесўроқ касал бўлганинг. Энди тузалсанг шу ердан тўппа-тўғри отангникига кетавер! — деб чиқиб кетди. Касалхонадаги касаллар, врачлар Исроилга лаънат ўқишди. Исроил келасолиб тўйни бошлади — Хадичага уйланди. Эшитишимизча, харидорлар ҳақидан чегириб, бойиётган Исроил Ахмедовнинг юраги яна ўйнаётганмиш. Бироқ унинг юраги ўйнаётганлигидан Гулистон район прокурори бехабарга ўхшайди.

О. ҚУЧҚОРБЕКОВ.

Истар эдикки...

Чойхонамиз биноси ҳам клуб, ҳам мажлислар зали вазифасини ўтар эди-ю, лекин эскириб қолган эди. Бу ҳақда арз қилдик. Октябрь район ошхоналар трести ўша бинони янгилашга 42 минг сўм пул ажратди. Янги чойхона қурилишида маҳалламиз меҳнаткашлари актив қатнашиб ғишт қуйишидан тортиб, то алебастр сувоғигача ўз қўлларидан чиқардилар. Лекин бу ишга бевосита раҳбарлик қилиши керак бўлган район чойхоналар кусти мудири Раҳматхўжаев қурилиш пайтида бир-икки бор келди-ю, керилиб, ёшига ярашмайдиган олифтагарчиликлар қилиб қайтиб кетаберди.

Хуллас чойхонани ўзимиз битказдик. 42 мингдан 16 минг сўм пул сарфланди, холос. Қолган пул қаёққа гумдон бўлди, буни билолмай қолдик...

Биз район чойхоналар кусти раҳбарларидан яна қуйидаги нарсаларни талаб қилар адик: чойхонамизнинг электр шнурлари минг улоқ бўлиб кетган, шуни янгилаб берсалар; чойхонанинг кўча томони ҳамон сувоқсиз ётибди, уни сувоқдан чиқариш чорасини кўрсалар; чойхонамиз икки-уч маҳаллага хизмат қилади, минглаб чойхўрлари бор, лекин самовар битта, уни иккита қилиб берсалар; чойхонамиз буфетини рангба-ранг конфет, печенье ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан ўз вақтида таъминлаб турсалар... ва ниҳоят энг сўнгги талабимиз шуки, раҳбарлар чойхонага фақат чойхўрлик қилинадиган жой деб қарамасдан, балки маданий дам олиш жойи ҳам деб билиб, вақти-вақти билан концертлар, илмий суҳбатлар ва шунга ўхшаш тадбирларни уюштириб турсалар.

Ҳурматли «Ўртўқмоқ», ана шу талабларимизни амалга оширишда сени ўзимиздан вакил қилдик.

С. ҚОСИМХЎЖАЕВ,
З. ҒУЛОМОВ,
Р. ОРИФЖОНОВ,
У. УСМОНОВ,
Октябрь район «Мустаҳкам» маҳалла меҳнаткашлари.

Қисқа сатрларда

Пискент. Районнинг Комсомол кўчасида иккита озиқ-овқат ва битта ўз-ўзига хизмат қилувчи китоб магазини очилди. Янги магазинлар ҳар доим харидор билан гавжум бўлмоқда.

А. Ғозихонов.

Ўрта Чирчиқ. Райондаги Свердлов номли колхозга Фарҳод ГЭСидан, доимий электр энергияси кела бошлади. Ҳозир 500 дан ортиқ колхозчи хонадони Ильич нуридан баҳраманд бўлмоқда. Колхозни электрлаштириш давом этаётир.

Х. Икромов.

Тошкент. Пойтахтнинг Куйбишев районида 75 болани тарбияlашга мўлжалланган боқча очилди. Бу ерда кичкинтойлар учун қулай шароитлар яратилган.

А. Азимов.



— «ЗАГС»сиз турмуш қураберсак, жонидан?
— Нимага энди?!
— Тағин кейинчалик мендан ажралмоқчи бўлсанг қийналиб юрмагин дейманда...

А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

Надя Петровнадан колхозчилар миннатдор

Надя Петровна Стрельцева Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг 3-участкасидаги медпунктда фельдшер бўлиб ишлайди. У беморларга яхши муомала қилиши ва уларни зарур дорилармонлар билан таъминлаши туфайли колхозчилар ўртасида обрў қозонган.

Надя Петровна медпунктда қиладиган ишидан ташқари колхознинг 7, 8 ,9 ва 10-бригадаларида қизамиқ, грипп ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволаш тўғрисида ҳамда совет медицинаси эришган энг янги ютуқлар ҳақида суҳбатлар ўтказиб турады. Бу жонкуяр аёлнинг сидқидиллик билан ишлашидан колхозчилар жуда миннатдор.

А. ЭШОНХЎЖАЕВ.

Тошкентдаги 119-мактабнинг тикув устахонаси кичик бир цехни эслатади. Бу ерда 9-синф ўқувчилари ҳафтада бир кун бичиш-тикиш ишлари билан шуғулланадилар. Суратда: ўқитувчи Рашида Азизбоева 9-синф ўқувчиси Иноғомовага тикишни ўргатмоқда.

А. Абалян фотоси.

Телевизор Экранида

13 МАРТДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».

12.15. Бадиий фильм-«Йилқичи қўшиғи» (ўзбек тилида).

13.45. «Маданият университети»-«Кўп миллатли совет адабиёти» (рус тилида).

19.00. Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш. «Ленинградлик гвардиячилар» (рус тилида).

19.20. Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали—«Фасл нишоналари» (ўзбек тилида).

19.40. Сўнгги ахборот.

20.00. Бадиий фильм — «Бир қирувчининг тарихи».

21.25. Урта Осиё ва Қозоғистон халқларининг куйлари.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ҲАВАСКОР ГУЛЧИЛАРГА ЁРДАМ

АТРГУЛ

Атргул ўзининг ёқимли ҳиди ва гўзаллиги билан кишини мафтун этади. Ҳовлингизда, парк, майдон ва хиёбонларда қарқарадек очилиб турган гулни кўрганингизда баҳри-дилингиз очилади, енгил тортиб, хордиқларингиз секинаста тарқалаётгандек бўлади. Ҳатто қушларнинг энг ёқимлиси бўлбул ҳам эрта тонгда ана шу атргул мафтуни бўлиб ҳониш қилади. Атргуллар оқ, қизил, сариқ, пушти, зангор ва қўнғир рангларда бўлади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек гўзал, ҳаёт безаги.

Атргуллар Ер куррасининг шимолий ва ўрта минтақаларида ҳам жуда қадим замонлардан бери ёввойи ҳолда ўсарди. Ёввойи атргулларнинг бир группасини наъматак ҳам дейилади. Гулчилар, миришкор соҳибкорлар узоқ йиллар давомида ёввойи гулларнинг энг яхшиларини саралаб, ҳар хил табиий шароитда парвариш қилиб, чатиштириб ҳозирги атргулларни бунёдга келтирганлар.

Атргулдан халқ медицинасида қадимдан дори-дармон сифатида ҳам фойдаланиб келинади. Масалан, атргулдан тайёрланган дори-дармон бош оғриги ва ич касалликларини даволашга самарали таъсир кўрсатади.

Ана шу юқорида айтилган фойдали жиҳатларини ҳисобга олиб, атргулни кенг миқёсда кўпайтириш керак. Лекин шу нарса сир эмаски, Тошкентдаги гулчилик оранжереялари аҳолининг атргул кўчатларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаётир.

Аслида атргулни кўпайтириш унчалик қийин иш эмас. Агар ҳаваскор гулчилар қунт қилсалар атргул кўчатларини қисқа вақт ичида сероб қилиш мумкин. Биз ҳаваскор гулчиларга ёрдам бериш мақсадида қуйида айрим маслаҳатларни айтмоқчимиз.

Республикамизнинг табиий шароити атргул ўстириш учун жуда қулайдир. Атргулларни кўпайтиришнинг энг самарали йўли уларнинг маданий, зотли навларидан қаламча олиб пайванд қилиш усулидир. Бунинг учун наъматакнинг уруғини пишганда йиғиб олиб, кузда сийрак қилиб экиш керак. У баҳорда униб чиқиб, ёзда яхши ривожланиб ўсади. Наъматак уруғлари кўкариб чиқиб 3—4 йирик барглар ҳосил қилганда уларни махсус тайёрланган эгатларга кўчат қилиб ўтказилади. Экилган кўчатлар яхши ривожланиши учун ёзда бир неча марта қондириб суғормоқ лозим. Бинобарин кўчатларни ўгитлаб, бегона ўтларни йўқотиб, тупроқни юмшатиб туриш зарур.

Кўчатлар яхши кўкариб, танасининг йўғонлиги тахминан қалам чамасида бўлгач, зотли гулларнинг қаламчасидан олиб унга пайванд қилинади. Қаламчани наъматак кўчатининг илдиз бўғзига пайванд қилинса дуруст бўлади. Баъзан бу усулда ҳам тутмай қолиши мумкин. Шунинг учун наъматак кўчатларининг навдаларига атргул куртагини улашни ҳам қўлланиш тавсия этилади. Ўзбекистон шароитида гулларни апрелдан бошлаб сентябрь ойига қадар пайванд қилиш мумкин. Парник, теплицаларда эса декабрь ойидан бошлаб март ойига қадар пайванд ишлари олиб борилади. Бунинг учун қаламча кузда етилиб пишган гул навдаларидан олинади, улар ўлангандан сўнг 25 даража иссиқ жойларда сақланади. Атргул уланиб униб чиққандан сўнг теплицадаги температурани секин-секин пасайтириб, 11—12 даражага туширилади.

Атргулларни қаламчадан ва пархиш усули билан ҳам кўпайтириш мумкин. Бунинг учун қаламча яхши навли гуллардан қирқиб олиниб, махсус жойларга ўтқазилади. Қаламчадан экиш ишларини куз ва баҳор ойларида ўтказса бўлади. Қаламча кўкариб илдиз олгач, махсус эгатларга 60—70 сантиметр оралиқда қилиб ўтқазилади.

Агарда сувдан қолиб, ер қатқалоқ бўлиб қолса, кўкарган пайвандча ҳам, пайванд қилинган туп ҳам нобуд бўлади.

Атргулни пархиш қилиш йўли билан ҳам кўпайтириш мумкин. Бунда узун вегетатив новдалардан фойдаланиш мумкин. Пархиш қилиш техникаси худди узумнинг пархишига ўхшашдир.

М. ТЎЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

„Маҳорат мактаби“

«Маҳорат мактаби» деб аталган катта китоб босмадан чиқди. Бу китобга Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси кунларида ўзбек адабиёти тўғрисида бўлган мунозаралар материаллари киритилган. Маълумки, бу мунозарада Москва, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Молдавия, Арманистон, Литва ва Тожикистоннинг ёзувчи, шоир, драматург ва адабий танқидчилари қатнашганлар. Москвадаги катта идодий мунозара «Ўзбек адабиёти коммунизм учун курашда» деган асосий тема устида бўлган эди. Тўпламга Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирларининг ижоди тўғрисида марказий газеталарда босилган мақолалар ҳам киритилган. (ЎзТАГ).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/III да **Шопениана** ва **балетлардан парчалар**, 15/III да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/III да кундуз **Макр ва муҳаббат**, кечқурун **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/III да кундуз ва кечқурун **Фарғона ҳикояси**, 14/III да **Ошиқ Ғариб.**

Ҳўрланганлар (1-серия) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Бир кўришда берилган кўнгил — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уй туфлиси кийган қаҳрамон — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Князь қизи Мери (эрталаб соат 9 ярим ва кеч 10 да), **Севги учрашуви** (кундуз 11 ярим, 2 ярим, кеч 5 ярим ва 8 яримда), **Қора денгиз сари** (кундуз 12 ярим, 3 ярим, кеч 6 ярим ва 9 яримда)— «СПУТНИК».

Қутлуғ қон — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минутда ўзбек тилида).

Бирга бўлганингдагина — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 11-20 минутда).

Биз спартакиадада бўлдик (кеч соат 6 ва 8-25 минутда), **«Оққуш кўли» балети** (кеч 7 ва 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Нина ва Александр Капитановлар
раҳбарлигида
„Чангалзордаги ҳодиса“
НОМЛИ АТТРАКЦИОН ВА ЯНГИ ПРОГРАММАДА ТАМОШАЛАР

Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808. 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01620. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1551.